

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

5340900 БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ЙЎНАЛИШИ
БЎЙИЧА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА
АУДИТИ

Талаба:

52-10 гуруҳ
Ф.Муллажонов

Битирув малакавий ишига
рахбар :

проф. И.Н. Исманов

Фарғона 2014 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ	
1.1 Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ва фермерликнинг ривожланиши.....	7
1.2 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари.....	19
1.3 Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши.....	32
1.4 Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари.....	41
II БОБ. ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ	
2.1 Олтиариқ тумани фермер хўжаликлари фаолиятининг қиёсий таҳлили.....	48
2.2 Фермер хўжалигида харажатлар ва даромадлар ҳисоби.....	56
2.3 Фермер хўжалигида молиявий натижалар аудитини ўтказиш дастури, вазифалари ва босқичлари.....	67
2.4 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари.....	80
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	90
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	95
ИЛОВАЛАР	99

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритганидан сўнг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг доирадаги ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда келиб эса иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ислох қилиниши керак бўлган яна бир долзарб масалалардан бири бу фермер хўжаликларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини янада такомиллаштириш масаласидир.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришмасидан аввал иқтисодиётимиз режали асосда ва аграр ихтисослашувда бўлган. Бу ҳолат давлат иқтисоди (собик Ўзбекистон ССР) га ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмади ва пировардида ўзини оқламади. Юртимиз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг эса ушбу масала кун тартибидаги асосий муаммога айланди. Чунки ўша пайтларда мамлакат аҳолисининг катта қисми аграр соҳада банд, ушбу йўналиш ҳам фақатгина пахтачиликка ихтисослашган эди. Энди тузум бошқа, энди замон бошқа, ёш ва мустақил Ўзбекистон ўз фуқароларини ўзи боқиши, ишсизликни йўқотиши ва шу билан боробар мамлакатни саноатлаштириши лозим бўлди. Киши бошига ялпи ички маҳсулоти бўйича ўн беш постсовет республикалари ичида ўн иккинчи ўринда турувчи (1989 йил ҳолатига) давлат қишлоқ хўжалигидан бутунлай вос кеча олмасди¹.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари дастаклари узлуксиз равишда шаклланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу эса, таъкидланганидек, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ва хўжалик фаолиятларини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг янги усулларини жорий қилишни тақозо қилмоқда. Ҳозирги пайтда корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Умуман олганда эркин иқтисодиётнинг асоси яратилди. Корхоналар ўртасида эркин рақобат шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бунинг қонуний асоси ҳам яратилди.

Шу билан бир каторда айтиб ўтишимиз керакки, ушбу эришилган барча ютуқлар келажакни олдиндан кўра билиш ва эртанги куннинг иқтисодий ҳолати

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т. "Ўзбекистон" 2011

қандай бўлишини олдиндан тўғри тахмин қила олиш асосида юзага чиққан десак муболаға бўлмайди.

Ушбу битирув малакавий ишининг олдига кўйилган мақсад бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг бухгалтерия соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар кўламини кенгроқ очиб бериш, фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш масалалари ва молиявий натижалар ҳисоботи юзасидан аудит ўтказиш тартибини мукамаллаштириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бундан ташқари Республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва фермерликнинг ривожланиши даврида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари, фермер хўжалигида харажатлар ва даромадлар ҳисоби, фермер хўжалигида молиявий натижалар аудитини ўтказиш дастури, вазифалари ва босқичлари, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари бўйича изланишлар олиб борилади.

Битирув малакавий ишини биринчи бобда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида фермер хўжаликларида молиявий натижалар таркиби ва уларни ҳисобга олиш вазифалари ҳақида маълумот берилган. Бу маълумотларни беришдан мақсад фермер хўжаликлари молиявий натижалари назарий жihatларининг тўлиқ очиб берилишига эришишдир. Қолаверса, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳақида ҳам маълумотлар ва мисоллар келтирилади.

Иккинчи бобда эса фермер хўжаликларида молиявий натижалар бўйича ҳисоб-китобларнинг замонавий ҳолати ҳақида сўз юритилади. Бунда фермер хўжаликларида молиявий натижаларни шакллантиришга доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари, махсулот сотишдан тушум ва тайёр махсулот таннархини аниқлаш, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб китобларни қандай ташкил этиш ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Бу бобда Олтиариқ тумани фермер хўжаликлари молиявий хўжалик

фаолиятини ўрганиш, харажатлари ва даромадларини тахлил қилиш, ҳамда амалиёт билан боғлаш асосий мақсад килиб олинган.

Мавзунинг долзарблиги - Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар чуқурлашуви жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “саноат барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳоларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда” дея таъкидлайдилар¹.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фермер хўжаликларини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобини шакллантиришнинг ташкилий, услубий, ва техник жиҳатларининг такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси - фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисоби билан боғлиқ масалалар кўпчилик иқтисодчи олимлар ва мутахасисларнинг диққат марказида бўлишган. Фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисоби ва тахлили масалалари мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари профессор Д.Қ.Қудбиев, доцентлар Р.Я.Темирбулатов, Р.Д.Дусмуратов, А.И.Алиқулов, И.Т.Қурбонов, Ҳ.Р.Туробова, катта ўқитувчи Р.А. Сўфиевларнинг илмий ишларида, мақолаларида, маъруза матн ва китобларида ўрганилган.

Тадқиқот мақсади - фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисоби ва аудити ҳамда уни такомиллаштириш масалалари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон, 2011-26 б.

Тадқиқот вазифалари - фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобининг моҳиятини қиёсий ўрганиш ва уни ҳисоблаш амалиётини таҳлил қилиш асосида назарий хулосаларини шакллантириш;

- молиявий натижалар ҳисобида мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни такомиллаштиришга амалий тавсиялар бериш;

- молиявий натижалар аудитининг тўғри ўтказилишини ташкиллаш, хулосанинг мунозарали бўлмаслигига ҳаракат қилиш.

Тадқиқот объекти – Олтиариқ тумани фермер хўжаликлари (“Комилжон Файз Маҳлиё”, “Ҳайрулла Баҳром Бойматов”, “Тинчлик УЗБ”, “Фарғона узум мевалари”, “Боғдорчи Нозим”, “Исмоил”) нинг молиявий хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот методлари - гурухлаштириш, таққослаш ва ҳисоб китобларни тўғри амалга ошириш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти - Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий тақлифлар фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисоби ва унинг аудитини такомиллаштиришда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда кенг фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий иш тузилиши ва ҳажми - Битирув малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

1.1 Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ва фермерликнинг ривожланиши

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки қадам бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш, яъни хўжалик юритишнинг барча шакллари учун тенг иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкчиликни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда мулкдорлар мустақил фаолият юритиши учун зарур ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларни ва институционал тузилмаларни барпо этиш ишлари бошланган ва ҳозирги дамда ўз ривожини топмоқда. Аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган ислохотлар, хусусан, ана шу амалга оширилган ишлар натижасида хусусий мулкчиликка асосланган турли тоифадаги хўжаликлар ташкил этилди ва фаолият юрита бошлади. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг ўрни тобора ошиб бормоқда ва уларни ривожлантириш устувор вазифага айланди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов фермерликни ривожлантириш борасида қуйидаги нутқни илгари сурган: “Кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилмайлик, қай томонга бурмайлик, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса шуки, деҳқон бой бўлмасдан ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг эл-юртимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди. Бу аниқ гап. Шунга асосланиб, жамоа ва давлат хўжаликларини тубдан ўзгартиришимиз керак, шахсий, кооператив ва деҳқон (фермер) хўжаликларига кенг кўламда йўл очиб беришимиз лозим¹”.

Шу нуқтаи назаридан республикамызда фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг кўламда ишлар амалга оширилмоқда. Буни даврий статистик маълумотлар, фермер хўжаликларига ер майдонларини мақбуллаштириш, улар фаолиятини рағбатлантириш ва уйғунлаштириш, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларини ташкил этиш бўйича қабул

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 146 б

қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар далил сифатида хизмат қилиши мумкин. Республикамиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: "... мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини авваломбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди. Ислохотларнинг кейинги босқичида ... иқтисодиётни ислох қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда¹".


Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг ривожланишини ўз хусусиятига кўра 4 босқичга ажратиб ўрганиш мумкин (1-расм).

Биринчи босқич - (1993-1997йй.). Мамлакатимизда фермерлик институти ривожланиши 1992 йилда "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши билан бошланган. Чунки айнан шу қонун фермер хўжалиklари тўғрисидаги амалдаги қонунчилигининг вориси бўлиб, унинг асосий жиҳатлари, муҳим қоида ва меъёрлари, тартиблари, тамойиллари ҳозирги қонунчиликда мужассамлашган. Шу боис, назаримизда, бу қонуннинг амалга ошиши юртимизда дастлабки фермерчилик катламини шакллантиришга, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожланишига замин яратиб берган. Натижада 1993 йилда мамлакатимизда 7244 та деҳқон (фермер) хўжалиklари

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 13.11.2010 й.

ташкил этилди. Ўша пайтда уларнинг ихтиёрида 70,6 минг гектар ер бўлиб, бир фермер хўжалигига 9,7 гектар ер тўғри келган. Кейинги йилларда фермер хўжаликлари сони кўпайиб, сифат кўрсакичлари ўсиб борди. Хусусан, 1997 йилга келиб, уларнинг сони 21416та, ер майдони 413,3 минг га, хўжаликда банд бўлган ишчилар сони 134,4 минг киши, бир хўжаликка тўғри келадиган ер майдони ва ишчилар сони тегишлича 19,2 га ва 6 кишини ташкил этди. Хўжаликда банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ўртача ер майдони 3,07 гектарни ташкил этиб, ўсиш суръати 26,3 %ни ташкил этди.

Иккинчи босқич - (1998-2002йй.). 1998 йили фермер хўжалиги алоҳида уклад сифатида тан олинди ва унинг ҳуқуқий асоси яратилди, аниқроғи “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу босқичда ҳам фермер хўжаликларини ташкил этиш жадал суръатлар билан ўсиб борди. Натижада уларнинг сони 2002 йилнинг охирига келиб, 72406 ташкил этди. Уларга беркитилган ер майдони 1367,7 минг гектар, хўжаликда ишловчи ишчилар сони эса 505,9 мингтани ташкил этди. Иккинчи босқичда фермер хўжаликлари асосий товар ишлаб чиқарувчи хўжалик субъекти сифатида шаклланиб, аграр соҳани ислоҳ қилишдаги ўрни ва мавқеи ўсиб борди. Мулкка эгаллик қилиш ҳисси таркиб топди, мулкдан самарали фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлиб, хўжаликни бошқариш тажрибаси мустаҳкамланди. Шунингдек бу босқичнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, фермер хўжаликлари ўз-ўзини бошқариш ва барқарор ривож топиши учун зарур бўлган ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосга бўлди. Давлат бош ислохотчи сифатида фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириб борди. Айнан шу даврдан эътиборан республикамизда қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг мавқеи мустаҳкамланиб, кейинги йилларда унинг салоҳияти ошиб борди. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчи куч ва ҳал қилувчи соҳасига айланди.



1-расм. Ўзбекистонда фермер хўжалиқларининг ривожланиш босқичлари ва асосий кўрсаткичлари ўзгариши

Учинчи босқич (2003-2007 йй.). Республикамизда бозор шароитига мослаша оладиган, самарали фаолият юрита оладиган хақиқий мулкдорларга айланиб улгурган фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга катта эътибор берилди. Хусусан, бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб [қаранг: 1-жадвал, 2-4 қаторлар], натижада фермер хўжаликлари кескин кўпайиб борди, унга мос равишда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари барқарор ўсишга замин яратиб берди. Таъкидлаш жоизки, ушбу босқичда фермер хўжаликлари асосан паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилди. Мана шу даврда республикамизда деярли барча ширкат хўжаликлари тугатилиб, 217 мингдан ортиқ янги фермер хўжаликлари фаолият юритишига имконият яратиб берилди. Уларга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 5,7 млн. гектар, яъни ўртача бир 1 хўжаликка 26,7 гектар (бу 2002 йилга нисбатан 7,8 гектар кўп) ер ижара сифатида берилган.

Тўртинчи босқич (2008 йилдан кейинги йиллар). Бу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори [қаранг 1-жадвал, 5 - қатор] билан республикамизда фермер хўжаликлари ер майдонларини макбуллаштиришнинг изчил жараёни бошланди. Натижада 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, республикада фермер хўжаликлари сони 66,1 мингтани, уларга ижарага берилган ер майдони 5295,1 минг гектарни ташкил этди, битта хўжаликка тўғри келадиган ер майдони эса 80 гектарга тенг бўлди.

1-жадвал.

1-жадвал. Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ривожини тартибга солувчи қонунчилик асослари*

Ҳужжат тури ва номи	Мазмуни
1. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2004 йил 26 август.	Фермер хўжалиги фаолиятининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асоси яратилган

Давоми кейинги бетда...


<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иктисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202-сонли Фармони.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармони.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сонли қарори.</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий, ижтимоий ва хўжалик юритиш муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўз аксини топган</p>
<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-2069-сонли Фармойиши.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-215-сонли Қарори.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли Қарори.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-514-сонли Қарори.</p> <p>6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори.</p>	<p>Фермер хўжалиklarнинг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, ижарага берилган ердан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини молиялашнинг ишончли тизимини шакллантириш, фермерлар учун кадрларни тайёрлаш тизимини барпо этиш чора-тадбирлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкат хўжалиklarлари) негизда фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва улар учун замонавий инфра-тузилмаларини барпо этиш асосида улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган</p>

Давоми кейинги бетда...

<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли Қарори.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги “Микро-кредитбанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 78-сонли қарори.</p>	<p>Фермер хўжаликлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган</p>
<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 ноябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаш-тириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3077-сонли Фармойиши.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3512-сонли Фармойиши.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4301-сонли Фармони.</p>	<p>Фермер хўжалиklarининг ер майдонларини мақбуллаштириш, ушбу майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари-ни жойлаштириш, уларда ишлаб чиқариш самарадор-лигини ошириш ҳамда қонунчиликка риоя қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган</p>

Шуни таъкидлаш жоизки, республикада фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сифат жиҳатдан ҳам маълум ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришди. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари томонидан 1999 йилда 435,7 минг тонна ғалла экинлари, 549,0 пахта хомашёси, 22,5 минг тонна картошка, 148,1 минг тонна сабзавот, 62,1 минг тонна полиз экинларини етиштирилган бўлса, 2011 йил бошига келиб, улар томонидан 5752,2 минг тонна дон экинлари, 3483,5 минг тонна пахта хомашёси, 397,7 минг тонна картошка, 2474,4 минг тонна сабзавот, 653,6 минг тонна полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган 1999 йилга нисбатан тегишлича 13,2; 7,5; 17,7; 16,7; ва 10,5 марта кўпдир (2-расм).


Таъкидлаш лозимки, ҳисоб-китобларга кўра, фермер хўжаликларида



2-расм. Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш динамикаси (минг т.).

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиш суръатлари, экинлар эгаллаган ер майдонининг ўсиш суръатларига нисбатан анча юқори. Бу экинлар ҳосилдорлиги ортиши билан тавсифланади. Масалан, 2010 йилда фермер хўжаликларида қуйидагича ҳосилдорликка эришилди (3-расм): пахта ҳосилдорлиги – 25,5 ц/га, ғалла – 44,1 ц/га, картошка – 191,9 ц/га, сабзавот – 255,4 ц/га. Бу 1999 йилда олинган ҳосилдорлик кўрсаткичларига нисбатан анча юқори.



3-расм. Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси (ц/га).

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачилик соҳасининг тутган ўрни бекиёсдир. Шу сабабли чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш энг долзарб муаммо бўлиб колмоқда. Таҳлил қилинган давр мобайнида фермер хўжаликларида чорва моллари сони кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, фермер хўжаликлари тассаруфида бўлган йирик шохли қора моллар сони 171,2 мингтадан (1999 йил) 507,2 мингтагача (2011 йил), яъни қарийб 3 мартага, шундан сизирлар сони 50,4 мингтадан 174,0 мингтагача (3,4 марта), қўй ва эчкилар сони 169,2 мингтадан 1203,3 мингтагача (7,1 марта) ва паррандалар сони эса 194,1 мингтадан 4974,2 мингтагача (25,6 марта) кўпайган (2-жадвал).

2-жадвал

Фермер хўжаликларида чорва моллари сони ўсиши

Йиллар	Чорва моллари	Йирик шохли қора моллар	Шундан: сизирлар	Қўй ва эчкилар	Паррандалар
1999		171,2	50,4	169,2	194,1
2000		174,8	51,0	171,4	228,5
2001		198,1	56,8	195,8	423,7
2002		220,5	64,6	234,0	546,8
2003		273,4	85,6	274,0	770,9
2004		291,6	91,7	309,4	767,8
2005		311,9	97,0	419,5	754,8
2006		332,3	105,4	501,1	875,8
2007		375,6	121,3	649,4	1333,3
2008		421,1	137,4	872,3	2538,4
2009		496,6	168,6	1097,7	3475,3
2010		501,7	172,6	1149,9	3958,6
2011		507,2	174,0	1203,3	4974,2
2011 йил 1999 йилга нисбатан, марта		қарийб 3,0	3,4	7,1	25,6

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


Бу ҳукуматимиз томонидан чорва моллари сонини кўпайтириш, уларни боқиш учун қулай шароитлар яратиш, чорачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар таъсирида намоён бўлмоқда. 2006 йил 23 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг “Шахсий ёрдамчи,

деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308 сонли Қарори [қаранг: 1-жадвал] билан чорвачиликни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш, хусусан, фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш, уларни боқиш ва парваришни кўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда амалий ишлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Бу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳар бир қишлоқ фуқаросини, айниқса кам таъминланган ва кўп болали оилани чорва маҳсулоти билан етарли даражада таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Чорва молларининг сони кўпайганлиги боис чорва маҳсулотлари ҳажми ҳам ўсиб борди. 4-расмдаги маълумотларга кўра, фермер хўжалиklarининг асосий чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръати ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Масалан, 2010 йилда чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йил ҳажмига нисбатан анча юқори бўлган, яъни ўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиш




4-расм. Фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш динамикаси.

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

суръати 3,6 марта, сут – 4,0 марта, тухум – 36,9 марта, жун – 5,7 марта ва коракўл – 6,3 мартани ташкил этган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, айнан фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришга салмоқли хиссасини кўшиб келмоқда. Агар фермер хўжаликларининг дастлабки ривожланиши пайтида умумий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги улуши 2,8 фоиз ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 34,1 фоизни ташкил этади (5-расм).



5-расмдаги диаграммага кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари ҳамон етакчи ўрин эгалламоқда. Аммо маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг самарадорлиги юкори бўлган. Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари маълумотларига кўра, 2010-2011 йилларда фермер хўжаликларида картошкани ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 118,2 %ни ташкил этган бўлса, деҳқон хўжалигида бу кўрсаткич 107,7 %га тенг бўлган. Худди шундай ҳолат сабзавот (уларга мос равишда 111,7 % ва 109,3 %), полиз экинлари (109,7 % ва 109,3 %) етиштиришда ҳамда сут (112,3 % ва 109,3 %), тухум (130,0 % ва 105,6 %) ва жун (113,0 % ва 110,2 %) олишда кузатилган. Шу билан бирга бугунги кунда фермер хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

011 йил якунларига кўра, етиштирилган кишлоқ хўжалиги экинлари хосилининг аксарият қисми (шундан 99,5 % - пахта, 80,6 % - дон экинлари, 55,8 % - узум ва 50,5 % - полиз экинлари) фермер хўжалиklarининг улушига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичларни таққослаб, айтиш мумкинки, фермер хўжалиklarининг салмоғи кескин суръатлар билан ўсмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам фермер хўжалиklarининг улуши (гарчи улар ушбу соҳада етакчи бўлмаса ҳам) ортиши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1999 йилга нисбатан 2010 йилда гўшт ишлаб чиқариш 1,3 фоиз банди (ф.б.), сут - 2,0 ф.б., тухум – 10,6 ф.б., жун – 5,8 ф.б. ва қоракўл тери – 3,2 ф.б.га ортди (3-жадвал).

3-жадвал.

Асосий кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжалиklари улушининг ўсиши, фоиз

Кўрсаткичлар	Йиллар												
	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
<i>Дехқончилик маҳсулотларининг улуши</i>													
Дон экинлари	10,0	21,3	18,3	26,7	35,7	46,2	55,4	74,1	82,8	79,2	81,4	81,5	80,6
Пахта	12,9	18,3	21,7	29,0	37,8	51,7	66,3	87,6	98,3	99,1	99,2	99,4	99,5
Картошка	3,4	4,2	4,1	3,8	3,8	4,8	4,9	9,9	14,2	16,2	18,1	19,9	21,4
Сабзавот	12,0	4,9	6,5	7,4	10,6	11,6	13,6	29,1	33,5	32,9	35,0	34,9	35,4
Полиз экинлари	5,5	9,6	12,0	16,5	30,3	30,5	33,4	51,9	54,9	47,1	50,1	50,4	50,5
<i>Чорвачилик маҳсулотларининг улуши</i>													
Гўшт (сўйилган вазнда)	1,3	1,3	1,4	1,9	1,9	2,2	2,1	2,1	2,5	2,6	2,6	2,6	2,6
Сут	1,4	1,5	1,6	2,2	2,1	2,1	2,1	2,3	2,5	2,8	3,1	3,3	3,4
Тухум	0,6	0,9	3,2	3,4	3,7	4,2	3,6	3,6	4,0	6,4	7,7	9,4	10,9
Жун	1,0	1,1	1,2	1,6	1,8	2,1	3,0	4,2	5,3	5,4	5,8	6,5	6,8
Қоракўл тери	1,0	1,1	1,6	2,0	2,1	2,8	3,7	4,3	4,7	4,3	4,7	4,7	4,2

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу ижобий тенденциялар асосида фермер хўжалиklари томонидан меҳнат, ер, сув ва бошқа ресурслар билан таъминланиш ва улардан самарали фойдаланишга асосланган дехқончилик маданияти тамойиллари ётган бўлса, бошқа жиҳатдан уларни институционал тузилмалар томонидан қўллаб-қувватлаш ётади.

Шу билан бирга “Шуни очик тан олиш керакки, фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш

қилишимиз лозим⁵”. “Келгуси йилларда қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ўзгаришларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги ошириш негизида маҳсулот етиштириш ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлашнинг асосий шакли бўлган фермерлик институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлади⁶”.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фермер хўжаликларининг ривожланиши мобайнида қуйидагиларга эришилди:

биринчидан, фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш деб тан олинди;

иккинчидан, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантиришга катта эътибор берилди;

учинчидан, фермер хўжаликларининг йириклашувида маълум ижобий ўзгаришлар кузатилди;

тўртинчидан, давлат томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш механизми такомиллашиб борди.

1.2 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари

Фермер хўжаликлари иқтисодиётини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг роли каттадир. Шу билан бирга фермер хўжаликларида бўладиган хўжалик жараёнини ҳисобга олишда хўжалик ҳисоби (учети) дан ҳам фойдаланилади.

1. Фермер хўжаликлари фаолиятида маълум бир жараённи амалга ошириш учун инсонлар (ишловчилар) томонидан амалга ошириладиган жараёнлар хўжалик операциялари дейилади. Хўжалик операцияларининг йиғиндиси

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2012 й.

⁶ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 128 б.

хўжалик жараёни дейилади. Хўжалик жараёнини сон жихатдан акс эттириб, сифат жихатдан тавсифнома беришга хўжалик ҳисоби (учети) дейилади.



1-чизма. Хўжалик ҳисобининг турлари.


Оператив-техника ҳисоби хўжалик жараёнлари хақида тезкор маълумот бериб, бу маълумотлар маълум бир вақтларда (мавсўмларда) олинади. Бу маълумотлар телефон, факс ва бошқа воситалар орқали ҳам берилиши мумкин, шунинг учун «техника» сўзи қўшилган. Ушбу маълумотлар аниқ ва тўғри бўлиши лозим, лекин буларни тасдиқловчи маълумотлар ўша вақтда талаб килинмайди.

Статистика ҳисоби оммавий характердаги хўжалик жараёнларини сон жихатидан ўрганади. У иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалар ҳолати хақидаги ахборотларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш учун тўплайди.

Бухгалтерия ҳисоби турли хил ўлчов бирликлари ва ҳужжатлар асосида фермер хўжаликлари хўжалик фаолиятини ёппасига, узлуксиз ва бир бирига боғланган ҳолда акс эттиради.

Мамалакатимизда ҳисобга услубий раҳбарликни Молия вазирлиги, бевосита раҳбарликни тармоқ вазирликлари олиб боради. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 5 - моддасига асосан Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солади ва бухгалтерия ҳисобини миллий стандартларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди. Шу қонуннинг 7-моддасига

асосан, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни фермер хўжаликлари раҳбари амалга оширади.



2-чизма. Бухгалтерия ҳисобининг бошқа ҳисоб турларидан фарқи.

Шундай қилиб, хўжалик ҳисоби фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни, фермер хўжаликларини бошқариш ва тегишли қарорлар қабул қилиш фермер хўжаликлари бошқарувчиларга ва бошқа ахборотдан фойдаланувчиларга вақтида етказиб беради.

Шундай қилиб бухгалтерия ҳисобининг объектлари :

Фермер хўжаликлари активлари. Булар фермер хўжаликларига тегишли бўлиб, асосий қисми моддий кўринишга эга. Буларга : бинолар , иншоотлар, транспорт воситалари, материаллар, маҳсулотлар , харажатлар , пул

маблағлари, дебиторлик қарзлари ва боўқалар киради. Активлар бухгалтерия ҳисобида иккига бўлинади :

а) Узок мудатли активлар. Фермер хўжаликлари оборотида бир йилда ортик иштирок этади. Буларга асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли молиявий куйилмалар ва хк.узок муддатли активларга киради.

б) Айланма активлар. Фермер хўжаликлари оборотида бир марта ёки бир йилгача муддатда иштирок этади. Буларга материаллар, тайёр махсулотлар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар, қиска муддатли молиявий қўйилмалар, тагалланмаган ишлаб чиқариш ва х.к. киради.

Фермер хўжаликлари капитали. Хусусий капитал, мақсадли молиялаштиришлар, келгуси давр тўловлари ва харажатлари учун резервлар фермер хўжаликлари капиталига киради⁷.

Фермер хўжаликлари мажбуриятлари. Бу фермер хўжаликларининг молия органлари, банк муассасалари ва бошқа фермер хўжаликлари ҳамда шахслардан бўлган қарзидир. Булар ҳам муддатига қараб бўлинади:

а) Узок муддатли мажбуриятлар. Тўлов муддати бир йилдан ортик бўлган мажбуриятлар. Буларга узок муддатли банк кредитлари, ижара мажбуриятлари, узок муддатли қарзлар киради.

б) Қиска муддатли мажбуриятлар. Тўлов муддати бир йилгача бўлган мажбуриятлар. Булар қиска муддатли банк кредитлари ва қарзлар, меҳнат хақи бўйича қарзлар, солиқдан қарзлар, таъминотчилардан қарзлар ва х.к. киради.

4. Хўжалик жараёни - хўжалик операцияларининг йиғиндиси. Хўжалик жараёни бўлинади :

а)Таъминот жараёни. Бу жараёнда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган фермер хўжаликлари активлари, шу жумладан асосий ва айланма активлар сотиб олинади.

б) Ишлаб чиқариш жараёни. Бу жараёнда ходим кучи ёрдамида фермер хўжаликлари активларидан фойдаланиб махсулот ишлаб чиқарилади ёки иш ва хизматлар бажарилади

⁷ "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 14- моддаси 30 август 1996 й.

в) Сотиш жараёни. Бу жараёнда махсулот (иш, хизмат) сотилади ва пулга айлантирилиб келгуси жараёни бошлаш учун шароит яратилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг предмети фермер хўжаликлари активлари, капитали ва мажбуриятларини хўжалик жараёнидаги доиравий айланишига айтилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил этиш керакки, у тежамли бўлиб, кам маблағ сарфланган ҳолда ички ва ташқи фойдаланувчиларни кўпроқ ахборотлар билан таъминласин.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларининг бажарилишини кафолатлаши, тадбиркорликни ривожлантиришига, мулкни сақлаш ва кўпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва ҳ.к.) лар томонидан муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишда (капиталини инвестиция қилиш, бозорга чиқиш, ходимларни ёллаш, солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб топиш, ҳисоблашишлар ва ҳ.к.) зарур бўладиган тўлиқ ва ишонарли ахборотларни ўз вақтида етказиб бериши керак.

Бухгалтерия ҳисобини фермер хўжаликларида ҳозирги замон талаби даражасида ташкил этиш қўйидаги комплекс тадбирлар билан таъминланади:

1. Бухгалтерия ҳисобини қонуний тартибга солиш ва унинг меъёрий базасини шакллантириш билан;
2. Услубий таъминот (йуриқномалар, услубий кўрсатмалар, шарҳлар) билан;
3. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан;
4. Халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўли орқали;
5. Ҳисобни бошқариш тизимини қайтадан ташкил этиш йўли билан.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг қўйидаги асосий тамойиллари келтирилган:

- ◆ бухгалтерия ҳисобини иккиёкламали ёзув усулида юритиш;
- ◆ бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлиги;
- ◆ актив ва пассив операцияларини пулда баҳолаш;

- ◆ ахборотларнинг ишончлилиги;
- ◆ ҳисоблаш;
- ◆ эҳтиёткорлик;
- ◆ шаклдан иқтисодий мазмуннинг устуворлиги;
- ◆ фермер хўжаликлари фаолиятининг давомийлик тамойили;
- ◆ ҳисобот курсаткичларини таққослаб бўлишлиги;
- ◆ молиявий ҳисоботнинг холислиги (бетарафлиги);
- ◆ ўринлилик (жойидалиги);
- ◆ ҳисобот даври даромади ва харажатларининг мувофиқлиги;
- ◆ актив ва мажбуриятларни хақиқий баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисоби юриштишнинг тамойилларидан бири махфийлик (ошкор қилмаслик) бўлиб ҳисобланади. Бунда бухгалтерия ҳисоби регистрлари мазмуни билан танишиш маъмурият розилиги ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда руҳсат этилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга руҳсат этилган шахслар махфийликни сақлаши керак.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини фермер хўжаликлари раҳбари ташкил этади ва у қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ◆ Бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб вилинган бухгалтерлар хизматидан фойдаланиш;

- ◆ бухгалтерия ҳисобини юриштишда шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерия фирмаларига ёки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти қирадиган марказлашган хўжаликлар ҳисоб бўлимига топшириш;

- ◆ бухгалтерия ҳисобини мустақил юриштиш.

Фермер хўжаликлари раҳбарларига қуйидагиларни таъминлаш масъулияти юклатилган:

- ◆ ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ◆ ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- ◆ хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- ◆ тўлик ва ишончли бухгалтерия ҳисобини юриштиш;

- ◆ ҳисоб ҳужжатларини сақлаш;
- ◆ ташки ва ички фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш;
- ◆ солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ◆ ҳисоб - китобларни ўз вақтида юритиш.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишга алоқадор бўлган шахслар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларига риоя қилишлари керак.

Бухгалтерия аппарати ҳужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида ҳисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузишлари зарур.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия қуйидаги бўлимлардан ташкил топиши мумкин:

- ◆ материал бўлими, бу ерда сотиб олинган материал қийматликларни, материал юборувчилар билан ҳисоб - китобларни, материалларни сақлаш ҳамда фойдаланиш жойлари бўйича кирими ва сарфланишининг ҳисоби юритилади. Унчалик катта бўлмаган фермер хўжаликларининг бу бўлимида асосий воситалар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби ҳам юритилади. Йирик фермер хўжаликларида бу участканинг маълумотларини ишлаб чиқиш учун махсус бўлим ташкил этилади;

- ◆ ҳисоблашиш бўлими, бу ерда дастлабки ҳужжатларга асосан иш хақи ҳисоблаш ва ундан ушланмалар бўйича барча ҳисоблашишлар олиб борилади, меҳнат хақи фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш бўйича назорат амалга оширилади, ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар бўйича, пенсия фонди, бандлик фонди ва бошқалар бўйича ҳисоблашишлар ҳисобини олиб боради;

- ◆ ишлаб чиқариш - калькуляция бўлими, бу бўлимда барча турдаги ишлаб чиқаришга килинган харажатлар ҳисоби юритилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва ҳисобот тузилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар таркиби аниқланади;

◆ умумий бўлим, бу бўлимда юкорида санаб ўтилган бўлимларда ҳисобга олинмайдиган операциялар ҳисоби юритилади, Бош дафтар юритилади ва бухгалтерия ҳисоботи тузилади. Йирик фермер хўжаликларида молиявий бўлим ажратилиб, унда пул маблағлари, фермер хўжаликлари ва айрим шахслар билан ҳисоб - китоблар ҳисоби юритилади.

Фермер хўжаликларидаги ҳисоб ахборотларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига, объектив, ҳаммага тушунарли бўлишида амалдаги меъёрий базага боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий - услубий асосини 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом», Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари ҳамда қархонанинг ҳисоб сиёсати ташкил этади. Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти № 21 - сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий - хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқнома» 2004 йилнинг 1 январидан амалга тадбиқ этилди. Шу билан бирга фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ" тартибга солади.

Бу меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилайди, шунингдек қимнинг қармоғида бўлиши, мулк шакллари ҳамда фаолият турларидан қатъий назар барча фермер хўжаликлари ва ташкилотларга ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга фермер хўжаликлари бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб хўжалик юритишнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари, тармок хусусиятлари ва фаолият характерлари, ходимлар малакаси ва бошқа вазифаларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳамда назоратни ташкил этиш усулларини ўзлари мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ундан ташқарида жойлашган барча Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган давлат ташкилотлари ва бошқармалари, юридик шахслар, уларнинг шўба фермер хўжалиқларилари, филиаллари, вакилликлари ва бошқа ташкилий бўлинмалари бухгалтерия ҳисобининг субъектлари эканлигини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ, ишонарли, ўз вақтида тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа ахборотлари билан таъминлаш булиб ҳисобланади.

Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун бухгалтерия ҳисоби қуйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

- ◆ бухгалтерия ҳисоби счётларида активлар ҳолати ва харакати, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишонарли маълумотларни шакллантириш;

- ◆ самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- ◆ молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисоби маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича юритилади.

Тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қуллаш ҳисоб юритишининг максимал самарасини таъминласин. Бунда самара деб молиявий ва бошқарув ахборотларни уз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончилиги, равонлиги ва фойдалилигини таъминлаш тушунилади.

Назарий жихатдан фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш коидаларини урнатишга уч хил ёндошиш мавжуд:

Марказлаштирилган - бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ягона марказдан бошқарилади;

Марказлаштирилмаган - ҳар бир хўжалик субъекти учун бухгалтерия ҳисоби коидаларини индивидуаллаштириш. Бу хил ёндошиш ҳисоб ишларини фаолият харакредитерига айнан мос келишини таъминлагани билан бу бозор иқтисодиёти шароитида тури келмайди;

Аралаш - бу биринчи ва иккинчи ёндошишни оқилона бирлаштиришдир.

Жаҳон амалиёти шуни курсатмоқдаки, аралаш усулда марказлаштирилган тартибда куйидагилар белгиланади.

Молиявий ахборотларнинг ишончлилиги, таккосланувчанлиги ва фойдалилигини таъминлайдиган ҳисоб юритишнинг асосий коида ҳамда тамойилларини белгилаш.

Ҳисоб юритишнинг умумий коидалари ва тамойиллари ҳар бир фермер хўжаликларининг фаолият курсатиш шароитлари, ходимлар квалификацияси, мавжуд бошқарув техник базасидан келиб чиққан колда конкретлаштирилади. Бошқача килиб айтганда фермер хўжаликлари узининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

№1БХ,МС"Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати"га асосан фермер хўжаликлари ҳар бир хўжалик йили учун уз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

Бухгалтерия сиёсатиға хўжалик фаолияти фактларини гурухлаш ва баҳолаш, активлар кийматини ҳисобдан чиқариш, ҳужжат айланиш ва инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби сётларини куллаш усуллари, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар киради. Шундай килиб ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йотиндисидан иборат.

Бу ҳисоб сиёсатида моддий кийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва баҳолаш коидалари ҳамда тартиби, буюмларни асосий воситалар, инвентар ва

хўжалик жихозларига киритиш мезони, уларнинг эскириши, тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва сотиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини иш счётлар режасини ишлаб чиқиш белгиланади. Навбатдаги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати фермер хўжаликлари раҳбари томонидан тасдиқлангандан сунг юридик кучга эга ҳужжат статусига эга булади.

Фермер хўжалиklarининг ҳисоб сиёсати фермер хўжаликлари раҳбарининг буйруги билан тасдиқланади.

Ҳисоб сиёсатининг шакллантиришда субъект томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари буйрук чиккан йилдан кейинги йилнинг 1 январидан кулланилади. Бунда хўжалик субъекти булинмаларининг жойлашган жойларидан катъи назар, барча структуравий булинмалари томонидан кулланилади.

Янги ташкил этилган Фермер хўжаликлари қабул қилган ҳисоб сиёсатини фермер хўжалиklarининг молиявий ҳисоботини матбуотда биринчи нашр этилишигача, лекин давлат рўйхатидан утган санадан 90 кундан кечикмасдан расмийлаштириши керак. Календар йили ичида ҳисоб сиёсати узгартирилмайди.

Факат куйидаги ҳолларда фермер хўжалиklarининг ҳисоб сиёсати узгариши мумкин:

1. Фермер хўжаликлари кайтадан ташкил этилса (бирлашиш, ажралиш);
2. Мулкдорларнинг алмашиши натижасида;
3. Ўзбекистон Республикаси конунчилиги узгарса ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив тизимида узгариш булса;
4. Бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилса.

Ҳисоб сиёсати олдида куйидаги асосий талаблар куйилади:

- ◆ Тўлиқлилик (барча фактларни ҳисобда тўлиқ акс эттиришни таъминлаш);
- ◆ Эҳтиёткорлик - нобудгарчиликларни акс эттиришга тайёр бўлиш;

- ◆ Мазмуннинг шаклдан устунлиги (операцияларни иқтисодий мазмунига караб акс эттирилиши);

- ◆ Карама-каршиликсиз (синтетик ва аналитик ҳисоблар маълумотларининг тенглиги);

- ◆ Окилоналилиқ (ҳисобни тежамкорлик билан юритиш).

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби"Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом" (Молия вазирлиги ва Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1,1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 26.03.2008 йилда 1781-сон билан рўйхатга олинган) асосида ташкил этилади. Фермер хўжаликлари, уз хўжалиқ фаолиятларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда шакллантиради. Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликлари томонидан қонунчилик билан белгиланган ягона услубий асослар ва тартибга мувофиқ юритилади. Бунда фермер хўжалиги қулланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини, қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда уз фаолиятининг хусусиятларига мослаштириши мумкин:

- а) ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили);

- б) аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг узаро боғлиқлиги;

- в) бошланғич ҳужжатлар асосида барча хўжалиқ операцияларининг ҳисоб регистрларида ёппасига акс эттириш;

- г) бошланғич ҳужжатлар маълумотларини фермер хўжалигини бошқариш, назорат қилиш ва хўжалиқ фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур буладиган қўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлаш.

Фермер хўжаликларида хўжалиқ операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб

хужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ёки улар содир этилгандан сунг дархол (кечиктирмасдан) тузилади.

Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич хужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек хужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерлик ҳисобида хужжатлар ва хужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга мувофиқ тартибга солинади.

Бошланғич хужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқилладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

Фермер хўжалигига келиб тушадиган бошланғич хужжатлар албатта текширилиши шарт. Бунда текшириш шакл бўйича (хужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тулдирилиши), мазмун бўйича (хужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида курсаткичларнинг маънавий боғлиқлиги) амалга оширилади.

Ҳисобни соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун фермер хўжалиги хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини тузади, бу эса маблағлар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий счётлар бўйича юритиш имкониятини яратади ва шу билан мулкнинг мавжудлиги ва сақланиши, мажбуриятларнинг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлайди. Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябр даги 103- сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия- хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қуллаш бўйича

йуриқнома"га ва Молия вазирлиги ва Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган "Фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом"нинг 1-иловасида келтирилган Фермер хўжалиқларининг молиявий-хўжалиқ фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий Счётлар режасига мувофиқ тузади. Хўжалиқ операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасида фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ақс эттирилиши лозим.

1.3 Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 25.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, 27.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти № 3-Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 27 декабрдаги 140 сонли буйруғи билан тасдиқланган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг шаклидан фойдаланилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни очиқ бериш зарур:⁸

1. Савдо-сотикдан тушган соф тушум;
2. Савдо-сотикнинг ялпи молиявий натижалари;
3. Асосий фаолиятдан келадиган бошқа операциялар даромадлари ва харажатлари;
4. Асосий хўжалиқ фаолияти молиявий натижалари (фойда ёки зарар);

⁸Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БҲМС № 3 "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"

5. Молиявий фаолиятга доир бошқа даромадлар ва харажатлар;
6. Хўжалик умумий фаолиятининг молиявий натижаси;
7. Фавқулодда фойда ва зарар;
8. Даромад солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижалар (фойдалар ёки зарарлар);
9. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

Муайян даврда тан олинган даромадлар ва харажатларнинг барча моддалари, агар бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида бошқача ёндашув кўзда тутилмаган бўлса, ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритилади.

Ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарар қуйидаги элементлар асосида аниқланади, уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда очиқ берилиши лозим:

1. Хўжалик умумий фаолиятдан олинган даромад ёки кўрилган зарар;
2. Фавқулодда даромад (зарар);
3. Даромад солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);
4. Даромад солиғидан ташқари соф фойда.

Фавқулодда моддалардан вужудга келган даромад ёки зарар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши лозим. Ҳар бир фавқулодда модда моҳияти ва қийматини тушунтиришда тўла очиқ бериш лозим.

Хўжалик умумий (оддий) фаолиятдан келадиган даромадлар ва харажатлар моддалари муайян миқдорга етса ва хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти операциялари мазмуни жуда муҳим бўлса, бу моддаларнинг моҳияти ва миқдори очиқ кўрсатилиши керак.

Тушунтиришларда очиқ кўрсатишни талаб қиладиган муҳим хўжалик операциялари:

1. Маҳсулотни сотишнинг соф қийматига қадар ТМЗни қайта баҳолаб камайтириш ёки асосий воситалар қиймати тикланмай туриб уни қайта баҳолаб нархини арзонлаштириш, шунингдек бундай қайта баҳолашларни бекор қилиш;

2. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини кечиктириш, шунингдек кечиктиришга харажатлар бўйича ҳар қандай захираларни бекор қилиш;

3. Узоқ муддатли инвестицияларни тугатиш;

4. Фаолияти тўхтатиш;

5. Суд жараёнларини йўлга қўйиш;

6. Захираларни бекор қилиш.

Тўхтатилган фаолиятнинг натижалари одатда хўжалик умумий (Оддий) фаолиятининг даромади ва зарарига киритилади. Хўжалик умумий (оддий) фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган ёки бу фаолиятда содир бўлмайдиган воқеалар натижасида бу фаолиятнинг тўхтатилиши даромад ва зарарларга киритилмайди. Бундай ҳолларда фаолияти тўхтатишдан келадиган даромад ёки зарар фавқулодда модда сифатида тасниф қилиниши мумкин.

Тўхтатилган операцияларнинг ҳар бири тушунтиришларда очиб берилиши ва уларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

1. Фаолиятни тўхтатишнинг моҳияти;

2. Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Тўхтатилган фаолият тегишли бўлган тармоқ ва унинг жугрофий манзили;

3. Бухгалтерияда ҳисобга олиш мақсадида фаолиятни тўхтатиш кучга кирган кун;

4. Фаолиятни тўхтатиш усули (сотиш, ажратиш ва шу кабилар);

5. Фаолиятни тўхтатишдан келган даромадлар ва зарарлар ҳамда бу даромад ёки зарарни ўлчаш учун фойдаланиладиган ҳисоб тури;

6. Ҳисобот давридаги хўжалик умумий фаолияти операцияларидан олинган даромадлар ёки зарарлар ҳамда товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган маблағ тақдим этилган ҳар бир давр учун миқдори билан биргаликда.

Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг натижалари соф даромад ва зарарни аниқлашга киритилади:

1. Ҳисобот давридаги соф даромад ва зарарни аниқлашга (агар бу ўзгаришлар фақат мазкур даврга таъсир этган бўлса);

2. Ўзгаришлар юз берган давр ҳисоботида ва бу ўзгаришлар таъсир қилган шундан кейинги ҳисобот даврларига.

Ҳисоб баҳолари ўзгартирилган турли даврлардаги молиявий ҳисоботларни бир-бирига қиёслашни таъминлаш мақсадида улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг илгари баҳолаш учун фойдаланилган таснифлаш моддаларига киритилади.

Жорий даврга жиддий таъсир қиладиган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва қиймати ёки бу ўзгаришлар кейинги даврларда муҳим ўзгаришларга олиб келадиган бўлса, уларнинг моҳияти ва қиймати очиқ берилиши лозим.

Агар натижаларни ва ўзгаришларни қиймат жиҳатидан аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларни ҳам очиқ бериш талаб қилинади.

Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган хатоларга киритилган тузатиш миқдори (қиймати) ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарга қўшилади.

Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим хатоларни тўғрилаш миқдори:

1. Йил бошигача тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади;

2. Ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади, агар хатолар арзимайдиган даражада бўлса, улар истисно қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг балансидаги йил бошида тақсимланмаган фойданинг сальдосида муҳим хатоларни акс эттириш қуйидаги ахборотни очиқ бериши керак:

- ✓ Муҳим хатоларнинг моҳияти;
- ✓ Жорий даврдаги ва ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврдаги тузатишлар миқдори;

- ✓ Олдинги йилларнинг маълумотларига киритилган дастлабки даврларга оид тузатишлар миқдори;
- ✓ Қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки қайта ҳисоблаш мумкин бўлмаслиги сабаблари.

Жорий даврдаги соф даромад ёки зарарга қўшиш йўли билан олдинги даврлардаги хатоларни тўғрилаш чоғида олдинги йилларга оид қиёсий ахборот олдинги давр учун тузилган молиявий ҳисобда кам кўрсатилиши керак, лекин жорий даврдаги ёки олдинги ҳар қандай даврдаги соф даромад ёки зарарни кўрсатиш учун (агар муҳим хатолар шу даврлар давомида тузатилган бўлса) алоҳида устунда қўшимча ахборот келтирилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект ўзгартиш киритилаётганда бир вақтнинг ўзида қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим:

- муҳим хатонинг моҳияти;
- жорий даврдаги даромад ёки зарар деб эътироф этилган ўзгартиш миқдори;
- қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳар бир даврга оид ўзгартишлар миқдори ҳамда шу даврдан олдинги даврларга оид қўшимча маълумотларга киритилган даврларга тааллуқли ўзгаришлар миқдори. Агар амалда қўшимча маълумотлар келтириш қўлланилмаса, у ҳолда бунинг сабаблари очиб берилиши керак.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар белгиланган тартибда кўзда тутилган ҳоллардагина ёки ўзгартишлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга кўмаклашсагина кўрсатилиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар натижасида юз берган ўзгаришлар миқдори:

- ❖ Йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия балансига ёзиб қўйилиши;
- ❖ Ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритилиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг олдинги даврига нисбатан ҳисобот даврига муҳим таъсир ўтказса ёки келгуси ҳисобот даврларига таъсир ўтказадиган бўлса, хўжалик юритувчи субъект тушунтиришларда қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим.

Ўзгартишлар сабаблари;

- Ҳисобот давридаги ва тақдим этилган олдинги даврлардаги тузатишлар миқдори;

- Жорий даврдаги соф даромад ёки зарарда ҳисобга олинган тузатиш миқдори;

- Қиёсий маълумотларга киритилган ҳисобот давридан олдинги даврларга оид тузатишлар миқдори;

- Қўшимча маълумотлар келтирилган ҳар бир ҳисобот даврига киритилган тузатишлар миқдори, молиявий ҳисоботларга киритилган даврлардан олдинги даврлар билан боғлиқ тузатишлар миқдори. Агар қиёсий ахборот киритилган бўлса ёки қўшимча маълумот тақдим этиш мумкин бўлмаса, бу ҳолат ҳам очиб берилиши керак;

- Қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки уларни қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари.

Ҳозирги кунда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум бу маълумот 90 10 счетнинг кредит томонидаги сўммаси кўрсатилади. Шунингдек, соф тушум ёзилади. Соф тушумни аниқлаш учун жами сотишдан тушган тушумдан қўшилган қийматга солиқ, акциз солиги айрилади ёки Низомга мувофиқ ушбу шаклда сотишдан олинган ялпи фойда ёзилади.

Республикада молиявий натижаларни «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54» Низоми бўйича аниқланмоқда, буни батафсил кўриб чиқамиз.

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда - маҳсулотларни сотишдан келган соф тушумдан сотилган маҳсулотларнинг таннархини айириш йўли билан аниқланади (2-шакл 030 сатр). Яъни:

Ялпи фойда [Яп] = Соф тушум [ст] - сотилган маҳсулотнинг таннархи [Смт]

$$\text{Яп} = \text{Ст} \text{ (2-шакл 010 сатр)} - \text{Смт} \text{ (2-шакл 020 сатр)}$$

Соф тушум сўммаси бухгалтерия хисобининг 90 10 «Маҳсулотларни сотишдан соф тушум» транзит сметининг йил давомидаги кредит оборотидан [жамидан] акциз ва қўшилган қиймат солиғини ажратиш йўли билан аниқланади. Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар, корхоналар ва фирмалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 21 - боб 71 - моддасига асосан Қ.Қ.С. тўлашдан озод қилинган.

Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа хўжаликларнинг маҳсулотларини сотганда ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари, хўжалик тизимида (балансдаги) мавжуд саноат ишлаб чиқаришнинг маҳсулотини сотганда умумий тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлайди, шу сабабли ҳам 90 10 «Маҳсулотларни сотишдан соф тушум» транзит сметда маҳсулотларни сотиш учун алоҳида, хизматларни сотиш учун алоҳида субсметлар юритилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳам ялпи фойда сўммаси аниқланганда 90 10 «Маҳсулотларни сотишдан соф тушум» транзит сметининг дебет ва кредит айланмалари (оборотлари) солиштирилади. 90 10 - сметнинг йил охиридаги ялпи молиявий натижага олиб борилган сўммаси маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда сўммасини кўрсатади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда сўммасидан давр харажатларини айириш, асосий фаолиятдан олинган даромад ва зарарлар сўммасини айириш ёки қўшиш йўли билан аниқланади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда (Афоф 2-шакл 100 сатр).

$$\text{Афоф} = \text{Яф} - \text{Дх} + \text{Афобд} - \text{Афоз}.$$

Бу ерда: Дх - давр харажатлари (2-шакл 040 сатр):

Афобд - Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (2-шакл 090 сатр):

Афоз - Асосий фаолиятдан олинган бошқа зарарлар (2-шакл 090 сатр).

Ҳозирги кунда давр харажатлари:

- сотиш билан боғлиқ харажатларга;
- маъмурий харажатларга;
- бошқа оперицион харажатларга;
- ҳисобот йилидаги келгуси давр солиқ базасига кўшиладиган харажатларга бўлинади.

Молиявий натижани аниқлашнинг 3-босқичи умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) сўммаси топиш. Бунда: асосий фаолиятдан олинган фойда сўммасига, дивидентлар, фоизлардан олинган даромадлар кўшилади, чет эл валютасидан, мулкни қайта баҳолашдан олинган даромад ва харажатлар натижасига қараб кўшилади ёки айрилади, фоиз устамалари сўммаси айрилади.

Умум хўжалик фаолиятдан олинган (2-шакл 220 сатр):

$$\text{Ухфоф} = \text{Афоф} - \text{Д} + \text{Фд} - \text{Чэ.в} - \text{Фх}$$

Д – дивидентлар (2-шакл 120 сатр);

Фд - фоизлардан олинган даромад (2-шакл 130 сатр);

Чэв - чет эл валютаси(2-шакл 150 сатр);

Фх - фоизлар бўйича харажатлар(2-шакл 180 сатр).

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам кейинги пайтда молиявий кўйилмалардан кенг фойдалангани учун, сотиб олинган акция ва хиссалар эвазига дивиденрлар олади. Дивидентларнинг ўз вақтида ҳисобланиши, ёки корхона учун сотиб олинган молиявий кўйилмаларнинг корхонага қанча даромад келтиришини аниқлаш бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланганлиги учун корхонага сотиб олаётган акцияларни қайси корхонадан сотиб олиши, уларнинг қайси маблағлар эвазига сотиб олишини назорат қилади.

Корхона ва хўжаликларнинг молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи бу соф фойдадир. Ялпи фойдадан турли чиқимлар, тўловлар, солиқлар тўланганидан кейин қолган фойда соф фойда деб юритилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришни белгилаган режада амалга ошириш мақсадида қарз (кредит) лар олади, албатта. Бунинг учун эса фойзалар тўлайди. Худди шунингдек бўш турган маблағларни банк муассасаларида сақлайди ёки бошқа корхона ва хўжаликларга қарз бериш эвазига даромадлар олади. Ҳозирчалик қишлоқ хўжалиги корхоналарида бундай муомалалар кам бўлса-да, келажакда даромад манбаи эканлиги ҳаммага аниқдир. Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлгани учун, қишлоқ хўжалиги корхоналари кам чет эл валюталаридан кенг фойдаланмоқда. Албатта, валютадан фойдаланишда маълум миқдорда ижобий ёки салбий натижага эга бўлиши мумкин, чет эл валютасидан фойдаланишдаги харажат ва даромадлар молиявий натижаларга таъсир қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан мулкнинг баҳоланиши вақти-вақти билан давлат томонидан бошқарилсада, корхона ва хўжаликлар ўзларининг мулкларини давр талабига жавоб бериши учун қайта баҳолаши мумкин. Асосий воситаларни қайта баҳолашдан олинган даромад ва зарарлар молиявий натижаларга таъсир этади. Фойда сўммасининг аниқланишининг кейинги варианты солиқ тўлангунча бўлган фойда деб юритилади.

Солиқ тўлангунча фойда (Стф) куйидагича яъни Умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда сўммасидан хўжаликнинг фавқулотда фойда ва зарарлар сўммасини кўшиш ва айириш билан аниқланади.

Асосан хўжаликнинг молиявий фаолиятдан, молиявий кўйилмалар ҳисобидан келиб тушган дивидентлар, улушлар, ҳиссалар эвазига келган даромадлар, асосий воситаларни ижарага беришдан келган тушумлар, асосий воситаларни, материалларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар (зарарлар) чет эл валютасидан олинган натижалар ва бошқалар ҳисобга олинади.

2-шакл 230 «Фавқулотда фойда ва зарарлар» сатрида корхона фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фавқулотдаги фойда ва зарарлар ҳисобга олинади.

$$\text{СТҚФ} = \text{УХФОФ} \pm \text{ФФЗ}$$

Бу ерда: СТҚФ(2-шакл 240 сатр) – Солиқ тўлагунга кадар фойда (зарар);

ФФЗ(2-шакл 230 сатр) - Фавқулодда фойда ва зарарлар.

Сўнгги босқичда хўжаликнинг ҳисобот йилидаги соф фойдаси аниқланади:

$$\text{СФ} = \text{СТҚФ} - \text{ДС} - \text{ФБСЙ}$$

СФ (2-шакл 270 сатр) – Соф фойда (зарар);

ДС (2-шакл 250 сатр) – даромад солиғи;

ФБСЙ (2-шакл 260 сатр) – фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий натижани тақсимлаш бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига мувофиқ амалга оширилсада жамоанинг умумий мажлиси қарорига асосан тақсимланади. Жамоанинг умумий мажлиси йиллик молиявий ҳисобот топширадиган даврдан олдин ўтказилади. Шунинг учун ҳам молиявий ҳисобот жамоанинг умумий мажлиси ўтказишдан олдин тайёр бўлиши керак. Жамоанинг умумий мажлисида, бошқарув раиси хўжаликнинг ишлаб чиқариш, молиявий фаолияти ва молиявий натижалари ҳақида ҳақиқий ҳисоботни бериши зарур. Шунингдек, ҳақиқатда эришилган молиявий натижаларнинг тақсимланиш лойиҳасини жамоанинг умумий мажлиси ихтиёрига хавола қилади. Молиявий натижаларнинг тақсимланишини умумий мажлис ҳал қилади ва қарор чиқаради. Хўжаликнинг йил давомида ишлаб чиқариш зарурияти учун кутилаётган фойдадан фойдаланган бўлса унинг ҳам ҳақиқийлиги мажлис қарори билан тасдиқланади.

1.4 Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда сўммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмалар сўммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга, шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий

нативавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташки ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ташки ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция хомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқадилар.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;
- молиявий фаолиятдан олинмаган Тақсимланмаган фойда (зарар)нинг ўзгариши;
- фавқулодда тақсимланмаган фойда (зарар) ўзгариши;
- фойдадан олинмаган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши ва ҳақозолар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги муҳим қийматлари аниқланади.

Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик - корхона фойдалилик даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб-китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг

ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида рентабелликнинг куйидаги турлари аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик;

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда сўммасини характерлайди.

2. Асосий воситалар рентабеллиги. Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда сўммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда сўммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

3. Сотиш бўйича рентабеллик. Сотиш бўйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда сўммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум сўммаси}} \times 100\%$$

4. Оборот активлар рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда, соф фойда сўммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда сўммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

5. Жами мулк рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалиқ даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик мулкка тўғри келадиган соф фойда сўммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

6. Ўз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Корхона соф фойдасини унинг ўзлик маблағлари манбаига бўлиш асосида ўзлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона ўзлик маблағлари}} \times 100\%$$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда сўммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз маблағлари жами}} \times 100\%$$

8. Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич соф фойда сўммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У ҳар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда сўммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблағлари ўрт. йил. қийм.}} \times 100\%$$

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган рентабеллик кўрсаткичларининг айримларини қуйидаги жадвал мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «**Олтин Мева Узумлар**» боғдорчилик фермер хўжалигида ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан аксарият рентабеллик турлари бўйича пасайиш кузатилган. Бу шундан далолат бермоқдаки, корхонанинг самарадорлиги пасайиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадики, жорий йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори +1587868 минг сўмга ортган бўлсада,

бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари хам, бошқа турдаги активлар хам ўсган.

4-жадвал

**«Олтин Мева Узумлар» боғдорчилик фермер хўжалигининг
рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар
таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, сўм	1452513	3040381	+1587868
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, сўм	929608	2168322	+1238714
3	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	522905	872059	+349154
4	Соф фойда, сўм	30243	25400	-4843
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), сўм	80892	91253	+10361
6	Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, сўм	531756	689066	+157310
7	Корхонанинг жами мулки, сўм	718546	892557	+174011
8	Ўзлик маблағлари манбаи, сўм	460499	729410	+268911
9	Қарз маблағлари, сўм	258047	163147	-94900
10	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	36,0	28,68	-7,32
11	Асосий воситалар рентабеллиги, %	37,98	27,83	-9,55
12	Оборот маблағлари рентабеллиги, %	5,69	3,69	-2,0
13	Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги, %	56,25	40,22	-16,03
14	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	6,57	3,48	-3,09
15	Мол-мулк рентабеллиги, %	4,21	2,85	-1,36
16	Умумий рентабеллик, % (4\5+6)*100	4,94	3,25	-1,69
17	Қарз маблағлари рентабеллиги, %	11,72	15,57	+3,85

Соф фойда миқдори эса ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга камайган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида пасайиш тенденцияси ҳосил бўлган. Фермер хўжалигида фақатгина қарз маблағлари рентабеллиги 3,85 фоизга ўсиши кузатишга ҳолати. Фермер хўжалиги маъмурияти рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриши лозим бўлади. Акс ҳолда, фермер хўжалигининг молиявий ҳолати танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, махсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда сўммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар сўммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри келадиган соф фойда сўммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади ва ҳ.к.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ кўриш мумкин.

5-жадвал

Мол-мулк рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Шартли кўрсаткич (рентабеллик)	Ҳисобот йили	Жами ўзгариш (+,-)	Шу жумладан	
					Фойдани ўзгариши ҳисобига	Мол-мулк қиймати ўзгариши ҳисобига
1	2	3	4	5	6=4-3	7=3-2
Рентабеллик, %	4,21	3,53	2,85	-1,36	-0,68	-0,68

Биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигида ҳисобот йилида мол-мулк рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 1,36 фоизга пасайган. Бунга асосан иккита омил, яъни, соф фойда миқдорининг ўзгариши ҳамда мол-мулк қийматининг ўзгариши таъсир этган. Маълумотлардан кўринадикки, соф фойданинг ҳисобот даврида камайганлиги ҳисобига мол-мулк рентабеллигини ўтган йилга нисбатан 0,68 фоизга пасайишига, мол-мулк қийматининг жорий даврда ўзгарганлиги эса 0,68 фоизга пасайишига олиб келган. Бундай натижалар одатда корхона учун салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Шу сабабли фермер хўжалиги маъмурияти рентабелликни ошириш чораларини ва мавжуд имкониятларни излаб топиши лозим бўлади.

II БОБ. ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ

2.1 Олтиариқ тумани фермер хўжаликлари фаолиятининг қиёсий

таҳлили

Барчамизга маълум Фарғона аҳли дехкончилик бобида бой тажрибали ва унумдор экин майдонларига эгадир. Айниқса, мен туғилиб ўсган Олтиариқ туманининг мева-сабзавотлари, узумларининг таърифини эшитмаган ватандошимиз топилмаса керак. Олтиариқликларнинг меҳнатсеварлиги, тиришқоклиги, яратувчанлиги ва улкан тажриба мактаби ҳар қанча мактовга лойиқ.

Мустақиллик йилларидаги ислохотларда олтиариқликлар ҳам фаоллик бидан иштирок этмоқдалар. Жумладан, жамоа хўжалигидан фермерчилик ҳаракатига ўтишда ҳам илғорлардан бўлиб, йиллар давомида бу соҳани ривожлантириб келмоқдалар. Масалан, Олтиариқ туманида жойлашган “Сожида Жўраева” фермер хўжалиги бўғдой йетиштиришда гектаридан 80-84 центнергача ҳосил йегиб, республика пешқадамлигини сақлаб келмоқда. Қолаверса, туманда янги балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик фермалари ташкил этилиб, аҳоли дастурхонига сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда кўмаклашмоқда.

Лекин, ҳар бир соҳада бўлганидек бу йўналишда ҳам йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар мавжуд. Бу камчиликларни тўғирлаш, юқори фойдалиликка эришиш учун эса хўжаликнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига эътибор қаратиб, уларни таҳлил қилиб хулоса чиқариш, бизнинг назаримизда, мақбул йўллардан биридир. Шунинг учун, биз ушбу малакавий ишнинг иккинчи бобини тумanning айрим ҳудудларида жойлашиб, фаолият юритаётган ҳар хил ихтисосликдаги фермер хўжаликлари бухгалтерия маълумотлари асосида таҳлил қилиб, хулосаймиз.

Молиявий таҳлилнинг асосий манбаи - молиявий ҳисоботнинг асосий ҳужжати бўлмиш *бухгалтерия баланси* ҳисобланади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тухталамиз.

«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-сонли шакл) да хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлар ва харажатлар турлари, шунингдек:

- молиявий натижалар;
- сотишдан олинган соф тушум;
- сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
- фойда солиғи тўлашдан олдинги молиявий натижа (фойда ёки зарар);
- ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) кўрсатилади.

Худди шу шаклга «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотнома» илова қилинган, унда бюджетга барча тўловлар бўйича, солиқ қонунчилигини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳам қўшиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон ДСИ йўриқномасига кўра ҳисоб-китоблар бўйича сўммалар ва бюджетга ҳақиқатда тўланган сўммалар кўрсатилади.

Таҳлил учун махсус таҳлилий жадвал шаклланади.

6 - жадвал

“Хайрулла Баҳром Бойматов” фермер хўжалигининг молиявий кўрсаткичларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Қиймати, млн.сўм		Горизонтал Таҳлил			Вертикал таҳлил		
	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Мут-лак ўзга- риш	Ўтган йилга нис- батан %	Со- тишга нис- батан %	Мажбуриятлар		
						Ўтган йил	Ҳисобот йили	%
Сотишдан кирим	256971	337221	80250	31.2	31.2	100,00	100,00	—
Қўшимча қиймат солиғи	-	-	-	-	-	-	-	-
Сотишдан соф кирим	256971	337221	80250	31.2	31.2	84,75	85,14	0,39
Тайёр махсулот таннархи	155841	186661	30820	19.8	-5.29	70,20	78,68	8,38
Фойда	101130	150560	49430	48.9	6	14,45	7,01	-7,44
Ишлаб чиқариш харажатлари	32430	19920	-12510	-38.6	-6.7	8,40	3,68	-4,72

Давоми кейинги бетда...

Асосий фаолиятдан натижа	68700	130640	61940	90.2	12	6,05	2,78	-3,27
Тўланган ва олинган дивидендлар	-	-	-	-	-	-	-	-
Молиявий фаолиятдан бошка фойда (зарар)	-	2120	2120	-	-	-0,48	0,00	0,48
Солиқларни тўлагунча молиявий натижа	68700	128520	59820	87	11.4	4,43	2,21	-2,22
Фойдадан солиқ	9560	13370	3810	39.9	2.6	1,77	0,82	-0,95
Ҳисобот йили соф фойдаси	59140	115150	56010	94.7	11.14	2,65	1,39	-1,26

Ушбу жадвалга бир карагандаёқ “Ҳайрулла Баҳром Бойматов” фермер хўжалиги ҳисобот йилида буюртмачиларга кишлок хўжалиги маҳсулотлари топширишни 1,31 марта оширганлиги дархол кўзга ташланади. Лекин ҳисобот йилида ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган чиқимлар туфайли саноат таннархи яна 19,8% катталиқда ўсди, бунинг натижасида ялпи даромад фақат 48,9% га ўсди. Бунинг оқибатида унинг солиштирма оғирлиги 1,54 дан 2,14 гача кўтарилди. Ижобий вазият сифатида шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий чиқимлар 38,6%га камайди, натижада уларнинг солиштирма оғирлиги 6,7% га пасайди, бу киримни 12510 минг сўмга оширди.

Шу тарзда салбий ва ижобий кўринишлар акс этган барча қолган бандлар таҳлил қилинди. Салбий ўзгаришларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилди.

Энди ушбу ва бошка фермер хўжаликлари мисолида рентабеллик кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида рентабелликнинг қуйидаги турлари аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик;

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда сўммасини характерлайди.

“Ҳайрулла Баҳром Бойматов” фермер хўжалиги 2012 йилги ҳисоботи маълумотларига асосланадигин бўлсак, ушбу кўрсаткич куйидагича бўлади:

$$P = \frac{115143}{186664} \times 100\% = 61.68\%$$

Юқоридаги кўрсаткичнинг катталиги ушбу фермер хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлиги юқорилигини яққол кўрсатиб турибди. Чунки хўжалик фақат пахта-ғаллачилик билан шуғулланибгина қолмай, балки қорамолчиликни ҳам йўлга қўйган. Бундан ташқари фермер хўжалигида экинларга ишлов берувчи тракторлар ва ғалла йиғувчи комбайн мавжуд бўлиб, техника хизматидан ҳам яхшигина даромад олади. Қорамоллар ўзида етиштирилган озуқалар, хўжалик худудидаги ўт-ўланларбилан бокилади. Шунинг учун сотилган сут таннархи унча баланд бўлмайди.

Энди ушбу кўрсаткични шу туманнинг Полосон ҚФЙ да жойлашган “Комилжон Файз Махлиё” фермер хўжалигининг 2012 йил молиявий ҳисоботларига асосан кўриб чиқайлик:

$$P = \frac{5518}{128832} \times 100\% = 4.28\%$$

Ушбу хўжаликда эса бу кўрсаткич ўта паст. Бунга турли сабаблар мавжуд. Биринчидан, фермер хўжалиги ушбу йилга белгиланган пахта ҳосил режасини бажармаган, бу эса пахта етиштиришга қилинган харажатларнинг қопланмаслигига олиб келган. Иккинчидан, фермер хўжалигида пахта-ғаллачиликдан бошқа даромад манбайи йўқ. Ҳосил йиғиштирилгандан сўнг бўш ерларга полиз экинлари, сабзавотлар ёки дуккакли экинлар экиб, кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш мумкин эди. Агар хўжаликда ушбу чоралар кўрилган бўлсада, лекин бундай даромадлар хўжалик ҳужжатлари ва ҳисоботида кўрсатилмаган.

Бир хил ихтисосликдаги икки фермер хўжалигининг рентабеллик кўрсаткичлари турлича чиққани яна бошқа ихтисосликдаги фермер хўжаликларидаги рентабелликка бўлган қизиқиш уйғотиши табиий. Шунинг учун боғдорчиликка асосланган “Тинчлик УЗБ” боғдорчилик фермер хўжалиги хисобот кўрсаткичларини ҳам таҳлил қиламиз:

$$P = \frac{7369}{11528} \times 100\% = 63.92\%$$

Боғдорчиликка ихтисослашган ушбу фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги жуда юқори. Бундан ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ўзини максимал оқлабди, дейиш ҳам бироз нотўғри. Чунки корхонанинг соф фойдаси катталашишига асосий фаолиятдан бошқа фаолиятдан олган даромадининг мавжудлиги ва сезиларли катталиги сабаб бўлган. Бунга ўтин сотишдан, техника хизмати кўрсатишдан олинган даромадлар мисол бўла олади.

Сўнгги бўлиб, узумчиликка ихтисослашган “Фарғона узум мевалари” боғдорчилик фермер хўжалиги кўрсаткичларини таҳлил этсак:

$$P = \frac{579}{898} \times 100\% = 64.48\%$$

Юқоридаги фермер хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш (узум етиштириш) ҳажми катта бўлмасада, ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги жуда юқори. Сабаби, бу хўжалик янги ташкил этилган бўлиб, узум парваришlash ва сўрток қилиш, суғориш тизимини яратиш харажатлари келгуси давр харажатларига киритилмоқда, чунки ушбу харажатлар асосан узумнинг кейинги йиллардаги ҳосилига тегишлидир.

2. Асосий воситалар рентабеллиги. Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда сўммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда сўммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

$$\text{“Хайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{166652} \times 100\% = 69.09\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{200447} \times 100\% = 2.75\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{348161} \times 100\% = 2,12\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{0} \times 100\% = 0\%$$

3. Сотиш бўйича рентабеллик. Сотиш бўйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда сўммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум сўммаси}} \times 100\%$$

$$\text{“Хайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{150553}{337217} \times 100\% = 44.65\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{46446}{175278} \times 100\% = 26.5\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{11339}{17798} \times 100\% = 63,71\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{-366}{532} \times 100\% = 168.8\%$$

4. Оборот активлар рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг хар бир сўмига тўғри келадиган фойда, соф фойда сўммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда сўммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

$$\text{“Хайрулло Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{174276} \times 100\% = 66.07\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{89323} \times 100\% = 6.18\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{291279} \times 100\% = 2,53\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{12748} \times 100\% = 4.54\%$$

5. Жами мулк рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик муллка тўғри келадиган соф фойда сўммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

$$\text{“Ҳайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{212637} \times 100\% = 54.15\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{302767} \times 100\% = 1.82\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{199295} \times 100\% = 3,7\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{0} \times 100\% = 0\%$$

6. Ўз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Корхона соф фойдасини унинг ўзлик маблағлари манбаига бўлиш асосида ўзлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона ўзлик маблағлари}} \times 100\%$$

$$\text{“Ҳайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{210026} \times 100\% = 54.82\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{31119} \times 100\% = 17.73\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{470685} \times 100\% = 1,57\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{6069} \times 100\% = 9.54\%$$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда сўммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз маблағлари жами}} \times 100\%$$

$$\text{“Хайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{185052} \times 100\% = 62.22\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{340807} \times 100\% = 1.62\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{19889} \times 100\% = 37,05\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{6679} \times 100\% = 8.67\%$$

8. Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич соф фойда сўммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У ҳар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда сўммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблағлари ўрт. йил. қийм.}} \times 100\%$$

$$\text{“Хайрулла Баҳром Бойматов”}: P = \frac{115143}{340328} \times 100\% = 33.83\%$$

$$\text{“Комилжон Файз Махлиё”}: P = \frac{5518}{261953} \times 100\% = 2.11\%$$

$$\text{“Тинчлик УЗБ”}: P = \frac{7369}{493438} \times 100\% = 1,49\%$$

$$\text{“Фарғона узум мевалари”}: P = \frac{579}{12347} \times 100\% = 4.69\%$$

2.2 Фермер хўжалигида харажатлар ва даромадлар ҳисоби

Фермер хўжаликларидида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади ва ўсимликчилик, чорвачилик, саноат ишлаб чиқариш харажатларига бўлиб ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш фермер хўжаликларидида ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг самарадорлигини аниқлаш, таннархини пасайтириш имкониятларини топишни таъминламоғи лозим. Харажатлар ҳисобини юритиш таннарх аниқлаш ва маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижаларни аниқлаш учун ҳам хизмат қилади.

Юқорида айтганимиздек ҳар бир фермер хўжалиги ўсимликчилик, чорвачилик ва саноат тармоғига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун бу тармоқларнинг ҳар биридаги ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг таркиби ҳисобини, маҳсулотлар таннархини ҳисоблашни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Республикаמידа ишлаб чиқариш харажатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган «Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) таннархига киритиладиган маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби тўғрисида ва молиявий натижаларининг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳисобга олиб борилади.

Юқоридаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагича ҳисобга олинади.

1. *Моддий харажатлар.*
2. *Меҳнат ҳақи харажатлари.*
3. *Яғона ижтимоий тўлов харажатлари.*
4. *Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.*
5. *Бошқа харажатлар.*

Бундан ташқари давр харажатлари алоҳида ҳисобга олинади ва йил охирида молиявий натижалар ҳисобидан қопланади. Ҳар бир мустақил ҳисобланган

фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш харажатларини юқоридаги Низом асосида, ишлаб чиқариш технологиясига қараб харажат моддаларини ўзларининг сарф харажати турига қараб ҳисобга олади. Бунинг учун Низомда рухсат берилган.

Ўсимликчилик харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» синтетик счегининг «Ўсимликчилик» субсчегида:

- *ўтган йилда жсрий йил ҳосили учун қилинган харажатлар;*
- *жсрий йил ҳосили учун жсрий йилда қилинган харажатлар;*
- *жсрий йилда келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатларга ажратган холда, ҳар бир ўсимлик тури учун алоҳида очилган аналитик счегларда қуйидаги харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олинади:*

1) уруғлар (кўчатлар); 2) ўғитлар (махаллий, минерал); 3) ўсимликларни химоя қилиш харажатлари; 4) суғурта харажатлари; 5) ерга ёки ўсимликка ишлов бериш харажатлари; 6) бошқа ташкилотларнинг бажарган ишлари (хизмат хақи); 7) ижара тўловлари; 8) иш хақи ва ажратмалар.

Уруғ ва кўчат харажатларига уларни сотиб олиш ва саралаш билан боғлиқ харажатлар киради. Фермер хўжаликлари узида етиштирилган уруғ ва кўчатлардан фойдаланганда харажатлар йил давомида режа таннархида, йил охирида эса хақиқий таннархда ҳисобланади.

Суғурта харажатлари деган харажат моддасида ўсимликларни суғуртадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Ҳар бир фермер хўжалиги экилган экинни, олинаниган ҳосилни суғуртадан ўтказди, суғурта ташкилотлари табиий офат натижасида кўрилган зарарларни тўлайди. Агарда ўсимликлар суғуртадан ўтказилмаса, у холда табиий офат натижасида кўрилган зарар тўланмайди.

Ерга ёки ўсимликларга ишлов бериш харажатлари. Фермер хўжаликлари ерни ҳайдаш, ўсимликларга ишлов бериш ишларини тегишли ташкилот ва хўжаликлар ёки айрим шахсларни жалб қилиш орқали бажариши мумкин. Бундай харажатлар ҳам ишлаб чиқариш харажатларига киради. Ҳозирги кунда фермерларнинг ерларини ҳайдаб берувчи ёки ишлов берувчи

фермерлараро ташкилотлар тузилмоқда. Фермерларнинг ерига ишлов бергани учун шартномага мувофиқ хизмат ҳақи тўланади.

Бошқа ташкилотларнинг бажарган ишлари харажат моддасида асосан, фермер хўжалигини сув, газ, электр қуввати билан таъминловчи ташкилотларнинг хизмат ҳақи ҳисобга олинади.

Ижара тўловлари деган харажат моддасида жамоа ва давлат хўжаликларидан, бошқа ташкилотлар ва аҳолидан олинган асосий воситалар учун тўланадиган ижара ҳақлари ҳисобга олинади.

Иш ҳақи ва ажратмалар харажат моддасида доимий ва четдан жалб қилинган ишчиларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари ижтимоий суғурта ва таътилга ажратмалар билан қўшиб ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар, асосий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи кўмакчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳам юқорида айтилган «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» деган синтетик счет қошида очилган айрим аналитик счетларда ҳисобга олиш мумкин.

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари, фермер хўжаликлари бир неча ўсимликчилик ёки чорвачилик тармоғига ихтисослашган пайтда, алоҳида ҳисобга олинади ва тақсимланади.

Шундай қилиб йил давомида ўсимликчилик учун қилинган харажатлар ўсимлик (экин) турлари бўйича алоҳида, ишлаб чиқариш ва йиғиштириш харажатларига бўлинган ҳолда ҳисобга олинади.

Бу ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш уларнинг таннархини алоҳида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фермер хўжаликларида йил давомида ишлаб чиқариш учун харажат қилинсада, маҳсулотлар мавсумий равишда олинади. Чунки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш харажатлари доимий бўлишига қарамадан, ишлаб чиқариш, ерга, табиатга, мавсумга боғлиқ. Шунинг учун ҳам деҳқончилик маҳсулотлари етилишига қараб йиғиб олинади. Улар йиғиб олинганда, доимий ёки четдан

вактинча жалб қилинган ишчилар ёрдамида йиғиб олинishi мумкин. Бунда ҳар бир ишчи учун ҳосилни йиғиб олиш кундалиги юритилади. Кундалиқда ҳосил йиғилган кун, ҳосилни териб олган кишининг насли ва исми, териб олинган ҳосилнинг миқдори кўрсатилади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳосилни йиғиб олишда қатнашган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар йил давомида қабул қилинганда режа таннархида қабул қилинади. Тайёр маҳсулотлар йил давомида ўзининг эҳтиёжи учун ишлаб чиқаришга сарф қилинса ёки сотишга жўнатилса ҳам режа таннархида ҳисобланади. Йилнинг охирида эса ҳақиқий таннарх аниқланиб, режа таннархи билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарққа кўшимча проводка берилади.

Йил охирида ўсимликчиликдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини аниқлаш учун маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар маҳсулотлар таннархига кўшилади. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари алоҳида ҳисобга олинганда улар тақсимланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари айрим маҳсулотлар таннархига тақсимланганда бу ҳақиқатда сарф-ланган бевосита харажатлар йиғиндисига мутаносиб равишда тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжаликларида ҳам ўсимлик туридан бир неча маҳсулот олинганлиги сабабли уларнинг таннархини аниқлашда бир мунча мураккабликлар мавжуд. Масалан: беда ўсимлигидан беда пичани, кўк масса, уруғ ва тўпон олинса: бўғдой ва арпа ўсимлик-ларидан дон, сомон, чиқит олинади. Маккажўхори кўк масса учун экилса кўк масса олинади, дон учун экинлганда дон ва поя олинади. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари ердан унумли фойдаланиш учун оралиқ экинлари ёки аралаш экинлар ҳам экишлари мумкин. Бундай ҳолаларда маҳсулотлар таннархи қандай аниқланишини алоҳида кўриб чиқиш лозим. Маккажўхори масса учун экилса, у ҳолда

таннархи жами харажатларни олинган кўк масса миқдorigа бўлиш билан аниқланади.

Дон маҳсулотларининг таннархи аниқланганда дон, сомон ва чикитларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар йиғиндиси топилади. Ундан сомоннинг қиймати - норматив суммаси айрилиб, дон билан чикит шартли маҳсулотларга айлантирилади. Чикит таркибида дон миқдори аниқланиб, чикит донга айлантирилади, натижада жами шартли маҳсулот миқдори аниқланиб, харажатлар суммаси шартли маҳсулотлар миқдorigа бўлинади.

Масалан: фермер хўжалигида 1000 ц. Дон, 120 ц. чикит (чор), 940 ц. Сомон олинган. Бу маҳсулотларни олиш учун жами 23080 сўм харажат қилинган. Сомонни йиғиш ва ташиш билан боғлиқ харажатлар 1880 сўмни ташкил қилган. Жами харажатдан сомоннинг қийматини айирсак 23080 - 1880 қ 21200 сўм дон ва чикит учун қолади. Дон ва чикитнинг таннархини аниқлаш учун шартли донга айлантирамиз:

1 ц. Дон 1 га тенг. Чикитнинг таркибида 50 процент дон бўлганлиги сабабли 1 ц. чикит 0,5 деб олинади. (Чикитнинг таркибидаги донни лаборатория аниқлаб берган).

Шундай қилиб: дон $1000 \text{ ц.} \times 1 = 1000 \text{ ц.}$

чикит $120 \text{ ц.} \times 0,5 = 60 \text{ ц.}$

Жами шартли маҳсулот 1060 ц.

1 центнер шартли доннинг таннархи $21200 : 1060 \text{ ц.} = 20$ сўмни ташкил қилади. 1 ц. чикитнинг таннархи $20 \times 0,5 = 10$ сўм.

Дон ва бошоқли экинлар фермер хўжаликларида асосан ем-хашак учун экилади. Шунинг учун ҳам дон, бошоқли ва дуккакли экинларнинг таннархи уларнинг озуқа бирлигига қараб аниқлангани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Масалан: фермер хўжалигида жўхори ишлаб чиқариш учун 36000 сўм харажат қилинган. Жўхоридан 500 ц. дон. 600 ц. поя олинган. Жўхори донининг 1 килосида 1,2 озуқа бирлиги, поясида 0,2 озуқа бирлиги бор десак жўхоридан жами 720 ц. озуқа бирлиги олинган. Бир центнер озуқа бирлигининг

таннархи 36000 : 72000ц. = 50 сўм. Яъни, бир центнер жўхори таннархи 50 x 1,2 = 60 сўм; бир центнер жўхори поясиннинг таннархи 50 x 0,2 = 10 сўмни ташкил қилади.

3. Чорвачилик тармоғи аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё, деҳқончиликни бой маҳаллий ўғит билан таъминлайди. Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги фермер хўжаликларининг кўпчилиги чорвачиликка ихтисослашган.

Фермер хўжаликларида чорвачилик харажатлари 2010 счетнинг - «Чорвачилик» субсчетеда ҳар бир чорва тури, хайвонларнинг ёши, гуруҳлари бўйича қуйидаги харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олинади: 1) *ем-хашак (ширали, дагал); 2) иш ҳақи ва ажратмалар; 3) хайвонларни ҳимоя қилиш харажатлари; 4) суғурта харажатлари; 5) бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақи; 6) ижара тўловлари; 7) бошқа харажатлар.*

Ем-хашак деган харажат моддасида чорва хайвонлари учун сарф қилинган ем-хашаклар йил давомида режа таннархида ҳисоб-ланиб, йил охирида ҳақиқий таннархда ҳисобланади. Ем-хашаклар, ўзида ишлаб чиқарилиши ёки четдан сотиб олиншидан катъий назар, чорва хайвонлари учун тузилган ем-хашак сарфи тўғрисидаги рационга асосан сарфланади.

Рацион икки максатда тузилади:

1. *Чорва хайвонларини асраш учун.*
2. *Чорвадан олинadиган маҳсулот миқдори учун.*

Рацион илмий асосда, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун тузилади. Чорвачиликда рационга асосан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ем-хашак озука бирлиги аниқланади. Бир озука бирлиги қилиб, 1 килограмм сўлининг тўйимлилиги қабул қилинган. Шунга қараб бошқа экинларга ҳам илмий асосаланган ҳар хил коэффициентлар ўрнатилган.

Шундай қилиб чорвачиликда ишлаб чиқариш учун ем-хашак сарф қилинса бухгалтерия ҳисобининг счетларида қуйидагича акс эттирилади. (Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ем-хашакни 1060 -счета ҳисобга олиши мумкин):

Дебет 2010 счетнинг - «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик смети.

Кредит 1060 - «Ем-хашак ва тўшамалар» счетовнинг тегишли аналитик смети.

Ҳозирги кунда чорвачиликда асосий харажатни ем-хашак харажатлари ташкил қилади. Ҳар қандай асосий хўжаликда чорвачиликка сарф қилинган ем-хашак ўзини қоплайди. Аммо, давлат ва жамоа хўжалигида чорвачилик доимий равишда зарарли тармоқ бўлиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби, тўпланган ёки сарфланган ем-хашак сарфининг ўз вақтида назорат қилинмаслигидир. Зеро, сарф қилинган ем-хашак фермер хўжалиги шароитида тўлиқ назоратдан ўтади ёки доимий назорат қилиб турилади.

Чорвачиликда ем-хашакдан кейинги ўринда иш ҳақи сарфи туради. Иш ҳақи ва ажратмалар деган харажат моддасида фермер хўжалиги учун сарф қилинган иш ҳақи ҳамда ижтимоий суғурта ва таътил учун ажратмалар ҳисобга олинади. Молбоқарларга иш ҳақи, олинган сут, бузук, ортган вазн, қирқиб олинган жун ва хоказолар бирлиги учун ҳисобланади. Шунинг учун чорвачиликда маҳсулотларни қабул қилиш кундалиги иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Чорва ходимларига иш ҳақи ҳисобланса:

Дебет 2010 счетнинг «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик смети.

Кредит 6710 «Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» смети.

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш деган харажат моддасида, чорва ҳайвонларининг турли хил кассалликларга қарши эмлаш ва даволаш учун сарф қилинган дори-дармонлар, бажарилган иш хизматлар ҳақи ҳисобга олинади. Ҳайвонларни эмлаш ва даволаш ишлари фермернинг ўзи, ишчилари ки турли хил ветеринария ташкилотлари томонидан ўтказилиши мумкин. Ветеринария ташкилотлари томонидан иш ва хизматлар бажарилса:

Дебет 2010 счет «Чорвачилик харажатлари» субсчетовнинг тегишли аналитик смети.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»счетининг «Ветеринария ташкилотлари билан ҳисоб-лашишлар» аналитик смети.

Ветеринария ташкилотларига бажарган хизматлари учун ҳақ тўланса, у ҳолда:

Дебет 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»счетининг «Ветенария ташкилотлари билан ҳисоблашишлар» аналитик смети.

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб смети» смети.

Суғурта харажатлари харажат моддасида чорвачиликдаги мавжуд ҳайвонлар ва бошқа шу соҳага хизмат килувчи асосий воситалар учун суғурта ташкилотларига тўланадиган суғурта бадаллари акс эттирилади.

Чорва ҳайвонлари ва тегишли асосий воситалар суғуртадан ўтказилса, у ҳолда:

Дебет 2010 счет «Чорвачилик харажатлари» субсчетининг тегишли аналитик смети.

Кредит 6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» смети.

Суғурта ташкилотларига суғурта бадаллари ўтказиб берилганда:

Дебет 6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» смети.

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб смети» смети.

Бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақи деган харажат моддасида бошқа ташкилотлар ёки корхоналарнинг фермер хўжалиги учун бажарган ишларининг қиймати акс эттирилади.

Ижара тўловлари деган харажат моддасида ижарага олинган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади. Фермер хўжалик-лари чорва ҳайвонларини боқиш учун зарур бўлган иморат, ин-шоот ва бошқа асосий воситаларни давлат корхоналаридан, жамоа хўжаликларидан, аҳолидан ижарага олиш ҳуқуқига эга. Ижарага олинган асосий воситаларнинг харажатлари алоҳида ҳисобга олинади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига кўшилади.

Бошқа харажатлар деган харажат моддасига харажат моддасида кўрсатилмаган харажатлар - ишчилар учун махсус кийимлар, кам бахоли ва тез эскирувчи буюмлар киймати киради.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда асосий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи кўмакчи ишлаб чиқариш харажатларини юқорида айтилган «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» синтетик смети қошида очилган субсчетларда ҳисобга олиб бориш мумкин.

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари фермер хўжалиги бир алоҳида ҳисобга олинади ва йил охирида тақсимланади.

Пахтачиликда махсулот таннархини аниқлаш. Фермер хўжалигида пахтачилик тармоғининг жами харажатлари 22,6 миллион сўмни ташкил этиб, 675 центнер пахта хом-ашёси олинган. Пахтачиликдан қушимча махсулотлар

даромадга олинмаган. 1 цн. пахта хом-ашёсини ҳақиқий таннархини аниқлаш учун жами харажатлар олинган махсулот микдорига бўлинади.

$$1 \text{ цн. пахта таннархи} = \frac{22,6 \text{ миллион сўм}}{675 \text{ центнер}} = 334,8 \text{ минг сўм.}$$

Донли экинлар таннархини аниқлаш: Фермер хўжалигида Ғаллачилик бўйича жами харажатлар 68792000 сўмни ташкил этган.

7 –жадвал

Донли экинлар таннархини аниқлаш

№	Калкуляция объектлари	Махсулот микдори ц	Асосий махсулотга айланган-риш фоизи	Жами асосий махсулот, ц	Салмоги, %	Жами харажат, сўм	1 центнер махсулот таннархи, сўм
1	Дон	10300	100	10300	95,55	63724206	6186,8
2	Дон чиқиндис	1200	40	480	4,45	2967794	2473,2
	Жами	х	х	10780	100	66692000	х

Олинган махсулотлар 10300 центнер дон, 1200 центнер дон чиқиндис (40% донлилик даражасига эга), сомон 8400 центнер (1 центнери 250 сўмдан жами 2,1

миллион сўм). Бунда асосий махсулот-дон ва ёндош махсулот-дон чикиндисининг таннархи аниқланади. Қушимча махсулот қиймати жами харажатдан чегирилади(68792000-2100000=66692000). Қолган харажат дон ва дон чикиндиси ўртасида қуйидагича тақсимланади.

Сабзавот экинлари таннархини аниқлаш. Сабзавотчиликга бир қанча экин турлари (помидор, пиёз, сабзи, баклажон, бўлғор қалампири ва хк.) киради. Агар, фермер хўжалигида сабзавотчиликнинг бир турдаги экини экилган бўлиб, харажатлар алоҳида аналитик счётада олиб борилган бўлса, махсулот таннархи жами харажатлар олинган махсулот миқдорида бўлиниб аниқланади. Агар, фермер хўжалигида сабзавотчиликнинг бир неча турдаги экини экилган бўлиб, харажатлар алоҳида аналитик счётада олиб борилган бўлса, махсулот таннархи қуйидагича аниқланади: Фермер хўжалигида помидор ва пиёз экилган бўлиб, харажатлар битта аналитик счётада олиб борилган. Жами харажатлар 8,2 миллион сўм бўлиб, 526 центнер помидор ва 405 центнер пиёз даромадга олинган. Сабзавотчиликдан қўшимча махсулотлар даромадга олинмаган. Харажатлар "калькуляция объектлари" - помидор ва пиёз ўртасида уларнинг сотиш баҳоларидаги қийматига мос равишда тақсимланади.

8 –жадвал

Сабзавот экинлари таннархини аниқлаш.

№	Калкуляция объектлари	Махсулот миқдори, ц	1 цн. махсулотнинг сотиш баҳоси, минг сўм	Сотиш баҳосидаги қиймати, млн. сўм	Салмо - ги, %	Жами харажат, млн. сўм	1 центнер махсулот таннархи, минг сўм
1.	Помидор	526	9,2	4,8	39,7	3,25	6,2
2.	Пиёз	405	18,0	7,3	60,3	4,95	12,2
	Жами	X	x	12,1	100,0	8,20	x

*цн. помидорнинг ўртача сотиш баҳоси 9,2 минг сўм, 1 цн. пиёзнинг ўртача сотиш баҳоси 18,0 минг сўм.

Ем-хашак экинлари таннархини аниқлаш. Ем-хашак экинларига бир канча экин турлари (беда, силос учун маккажўхори х.к.) кириб, улар бир йиллик ва кўп йиллик ем-хашак экинларига бўлинади. Ем-хашак экинларидан олинган махсулотлар таннархи коэффициентлар ёрдамида аниқланади. Бир йиллик ем- хашак экинлари учун белгиланган коэффициентлар:

Пичан-1,0;

Кўк масса-0,25;

Уруғ-9,0;

Тўфон-0,1

Кўп йиллик ем-хашак экинлари учун белгиланган коэффициентлар:

Пичан-1,0;

Кўк масса-0,3;

Уруғ-75,0;

Тўфон-0,1

Агар, фермер хўжалигида ем-хашак экинларининг бир тури экилган бўлиб, бир турдаги махсулот олиниб, харажатлар алохида аналитик счётада олиб борилган бўлса, махсулот таннархи жами харажатлар олинган махсулот микдорига бўлиниб аниқланади.

9 жадвал

Ем-хашак экинлари таннархини аниқлаш.

№	Калкуляция объект-лари	Махсулот микдори,ц	Шартли махсулотга айлантириш коэффициенти	Шартли махсулот микдори	Салмо -ги, %	Жами харажат, минг сўм	1 центнер махсулот таннархи, минг сўм
1.	Пичан	525	1,0	525	24,6	1353	2,58
2.	Кўк масса	1586	0,3	476	22,3	1226,5	0,78
3.	Уруғ	15	75,0	1125	52,7	2898,5	193,2
4.	Тўфон	90	0,1	9	0,4	22	0,24
	Жами	х	х	2135	100,0	5500	х

Кўпчилик ҳолатларда фермер хўжалигида кўп йиллик ем-хашак экини бўлган - беда экилиб, ундан пичан ва кўк масса олинади. Бундай ҳолларда кўк

масса 0,3 коэффициент асосида пичанга айлантирилиб махсулот таннархи аниқланади.

Фермер хўжалигида кўп йиллик ем-хашак экини экилган бўлиб, жами харажатлар 5,5 миллион сўмни ташкил этиб, қуйидаги махсулотлар олинган: Пичан - 525 центнер, Кўк масса - 1586 центнер, Уруғ - 15 центнер, Тўфон - 90 центнер. Махсулотлар таннархи коэффициент асосида қуйидагича аниқланади:

2.3 Фермер хўжалигида молиявий натижалар аудитини ўтказиш дастури, вазифалари ва босқичлари

Қоидага кўра, фойда (даромад) корхоналар томонидан қуйидаги мақсадлар учун ишлатилади: фойда (даромад) солиғини тўлаш; бошқарувнинг тегишли қарорига мувофиқ устав капиталига қўшиладиган, ўтган йилги фойда ҳисобидан устав капиталини кўпайтириш; дивидендлар тўлаш.

Кўшма корхоналар фойдасига келадиган бўлсак, у бюджетга тўланадиган суммалар ва захиралар яратиш ва уларни тўлдиришга йуналтирилган суммалар чегириб ташланганидан сўнг, кўшма корхона иштирокчилари ўртасида, уларнинг устав капиталидаги ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади, агар таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

Кўшма корхонанинг хорижий иштирокчиларига корхона фаолиятдан олинган фойдани тақсимлаш натижасида тегишли бўлган, сўм ва чет эл валюталаридаги сўммаларни, шунингдек, тақсимланган эркин муомаладаги валютада олинган даромаднинг тегишли улушини уларнинг мамлакатларига ўтказиб бериш кафолатланади.

Аудитор корхонанинг фойдаси (даромади)ни ва молиявий ҳолатини текширишда қуйидагиларни пухта ўрганиши лозим: тайёр махсулотлар, товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган фойдалар ёки кўрилган зарарлар; давр сарфлари, уларнинг асосланганлиги, тасдиқланган сметага мувофиқлиги ва молиявий натижага таъсири.

Бунда, жумладан, қуйидагиларни таҳлил қилиш зарур: асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (бино ва иншоотларни бузиш ва

бўлаклар, қўрилмаларни демонтаж қилиш ва шунга ўхшашлар), асосий воситаларни бошқа ташкилотлар ва корхоналарга сотиш ёки беришда пайдо бўлган зарарлар; номоддий активларни бошқа корхона ва ташкилотларга сотиш ёки беришда пайдо бўлган зарарлар; айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан қўрилган зарарлар; жарималар, пенялар ва неустойкалар тўлаш билан боғлиқ зарарлар; асосий фаолиятдан олинган фойда, бошқа даромадлар ва бошқа тушумлар ҳисобидан захира қилиниб, бошқа корхоналар ва ташкилотлар (чет элликларни ҳам қўшиб), шунингдек айрим шахслар билан ҳисоб-китобларга доир шубҳали қарзлар сўммалари; «Бошқа даромадлар ва тушумлар» га қўйиладиган кирди: корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан олинган даромадлар; даъво муддати ўтиб кетган, кредитор ва депонентга ўтказилган қарзларни ҳисобдан ўчиришдан олинган даромадлар; ундирилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва хўжалик шартномасининг бошқа шартларини бузганлиги учун ундириладиган бошқа турдаги санкциялар; корхона ичидаги ошхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалардан олинган даромадлар ва тушумлар; молиявий фаолиятга доир даромадлар ва сарфлар. Бунда молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга оладиган счёлар (9500) гуруҳи бўйича 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560 ва 9590 счётлар очилиб, даромадлар тегишли тарзда ҳисобга олиб борилганлиги текширилади. Молиявий фаолиятдан қўрилган зарарларни текширишда аудитор молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оладиган 9610, 9620, 9630 ва 9690 счётларнинг маълумотларини ҳам текширади.

Шунингдек, фавқулодда олинган фойдалар ва қўрилган зарарлар ҳам текширилиши лозим. Бунда аудитор 9710«Фавқулодда олинган фойда» ва 9720«Фавқулодда қўрилган зарар» счётларининг аналитик ҳисоби ва дастлабки ҳужжатлар маълумотларини текшириши зарур. «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг шарҳларида кўрсатилишича, хорижий давлатлар амалиётида фавқулодда зарарларга қўйиладиган кирди:

табiiй офатдан кўрилган катта йўқотишлар; уруш ва бошқа сиёсий нотинчликлар натижасида кўрилган йўқотишлар; мамлакатда қонунчилигининг ўзгариши натижасида кўрилган йўқотишлар, масалан, хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш (национализация) ҳақида қарор қабул қилиш, айрим фаолият турларини таъкиклаш ва бошқалар. Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: фавқулодда йўқотишлар метеорологик, сейсмик ва бошқа тегишли хизматларнинг содир бўлган табiiй офатлар тўғрисидаги маълумотлари билан тасдиқланиши; корхона мулклари фавқулодда ходисалардан суғурта қилинганлиги ва бошқалар.

Аудитор молиявий натижаларни текширишда қуйидагиларни ҳам аниқлаши лозим: бюджетга солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши; шубҳали қарзлар бўйича захиралар яратилишининг тўғрилиги; фойданинг корхона иштирокчилари ўртасида ўз вақтида ва тўғри тақсимланиши; акциядорларга дивидендлар тўлашнинг тўғрилиги.

Агар ҳисобот йилининг охирига келиб дебитор қарзларнинг инвентаризация материалларини таҳлил қилиш натижасида шубҳали дебитор қарзлар аниқланса, унда корхона шу миқдорда шубҳали қарзлар бўйича захира яратиши мумкин. Бунда қарздорнинг молиявий ҳолати, тўлов қобилияти ва қарзни тўлиқ ёки қисман сўммада қоплай олиш эҳтимолига қараб захира ҳажми ҳар бир шубҳали қарз бўйича алоҳида аниқланади. Яратилаётган захиралар сўммаси 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти (жорий йилнинг якуний ҳисоб-китоби бўйича) ёки 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси» счёти (олдинги йилдаги фойда ҳисобидан) дебети ва 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захиралар» счёти кредитида акс эттирилади.

Ушбу масалани кўриб чиқишда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: шубҳали қарзлар бўйича захира яратиш учун зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги (корхона дебитор қарзларининг инвентаризация рўйхати, солиштириш далолатномалари, тўловга лаёқатсизлик ҳақида маълумотнома ва б); шубҳали деб тан олинган қарзларни ҳисобдан ўчиришнинг тўғрилиги; ишлатилмаган

шубхали қарзлар бўйича захира сўммаларининг тегишли йил фойдасига қўшилиши.

Айрим тармоқларнинг корхоналари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги рухсати билан таъмирлаш ишлари ўтказиш учун маблағлар захираси яратадилар. Агар таъмирланадиган асосий воситалар ишлаб чиқариш учун тайинланган ва шу жараёнда ишлатиладиган бўлса, бу захирага қилинадиган ажратмалар маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатлари таркибига «бошқа харажатлар» элементи бўйича қўшилади. Захира ҳажми таъмирлаш ишлари учун кутилаётган харажатлар қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Аудитор таъмирлаш ишлари учун захираларнинг тўғри ташкил этилиши ва ишлатилишини текшириши зарур. Бунда қуйидагилар текширилади: Захира яратиш учун Молия Вазирлигининг рухсати борлиги; таъмирлаш ўтказиш учун смета ва титул рўйхати; захиралардан фойдаланишни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги; тўлалиги ва ўз вақтидалиги; фойдаланилмаган захира қолдиғи қолганда «сторонно»килиш йўли билан захираларни ёпиш; дебет 2010, 2310, 2510 кредит 8910 «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар захираси» («Асосий воситаларни таъмирлашга доир келгусидаги харажатлар захираси» аналитик счёти).

Давр сарфларини текшириш.

Давр сарфларига киритиладиган харажатлар таркиби «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ аниқланади.

Аудитор давр сарфларини ҳисобга олишни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида қуйидагиларни текшириши лозим: давр сарфларини ҳисобга оладиган: 9410- «Сотиш харажатлари», 9420 - «Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошқа операцион харажатлар», 9440-«Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» бўйича ўз вақтида, ишонарли ва

тўлиқ акс эттирилишининг таъминланиши; маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳақидаги Низом, лавозим маошларининг белгиланган харажатлар сметасига риоя қилиниши устидан назоратнинг таъминланиши.

Қуйидаги харажатларни давр сарфларига киритишнинг асосланганлиги ва ўз вақтидалиги: реклама харажатлари (нашриётда эълон қилиш, радиодан эшиттириш ва телевидение орқали кўрсатиш, реклама маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва чоп этиш, стендлар ва шитлар тайёрлаш, видео ва диафильмлар намойиш этиш ва бошқалар); корхонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хориждаги ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этишига доир харажатлар (экспонатларни тайёрлаш ва етказиб бериш, моделлар ва макетлар тайёрлаш, адабиётлар ва техник ҳужжатларни нашр қилиш); маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш билан боғлиқ сарфлар; божхона тадбирлари учун тўловлар; импорт муомалаларини амалга оширишда воситачилик қиладиган ташкилотларга тўланадиган комиссия тўловлар сўммалари; божхона тўловлари, шунингдек, товарлар ва бошқа мулкларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган божхонада амалга ошириладиган расмийлаштириш ўтказиш учун тўловлар; материал қийматликларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари; белгиланган меъёрлар ва бошқарув томонидан тасдиқланган сметалар доирасидаги корхона фаолияти билан боғлиқ вакиллик харажатлари (штатда турмайдиган таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш, ишчи музокаралар вақтида чет эллик вакилларнинг расмий қабулини ўтказишга доир харажатлар).

Бунда қилинган харажатларнинг асосланганлиги ва тасдиқловчи ҳужжатлар (счётлар, дўконлар ва ресторанларнинг чеклари ва бошқалар)нинг мавжудлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар ҳамда фавқулодда олинган фойда (кўрилган зарар) ларни текшириши.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда»да белгиланган. Ушбу Низомга мувофиқ молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар;

- мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;

- чет эл валютаси билан муомалаларга доир салбий курс тафовутлари бўйича зарарлар;

- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва хоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;

- ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Аудитор ушбу харажатларни текширишда 9610, 9620, 9630 ва 9690-счётлар бўйича ҳисоб ёзувларини текширувдан ўтказиб, уларнинг «Низом»га мувофиқлиги ва счётларда тўғри акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар кирди:

- олинган роялтилар ва капитал трансферти;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

- мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалар бўйича ижобий курс тафовутлари;

- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Юқорида келтирилган даромадларни текшириш учун аудитор 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560 ва 9590-счётларнинг маълумотларини ўрганиб, уларнинг қонунийлигини ва счётларда тўғри акс эттирилганлигини аниқлайди.

Фавқулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлардир. Бунга фавқулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда зарарлар қаторига киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

Фавқулодда фойда моддалари – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четга чиқадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо бўладиган ва олинishi кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган, ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавқуллода олинган фойда (кўрилган) зарарлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўғри шаклланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун аудитор томонидан 9710 –«Фавқуллода олинган фойда» ва 9720-«Фавқуллода кўрилган зарар» сўётлар маълумотлари ўрганилади.

Шунингдек, аудитор «Низом»нинг 1-иловасига мувофиқ солиққа тортиладиган базага қўшилиши лозим бўлган, молиявий фаолиятга доир сарфларни ҳам текшириши зарур. Бундай сарфларга:

- қисқа муддатли банк кредитлари, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари ошган тўловлар;
- узок муддатли банк кредитлари бўйича тўловлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ сарфлар;
- қимматли қоғозлар муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган салбий дисконт, агар бу бюджетга қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

Аудитор молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар ҳамда фавқуллода олинган фойда (кўрилган зарар)ларни текширишнинг барча жиҳатларини ўзининг ишчи ҳужжатларида қайд қилиб боради.

Қуйида “Комилжон Файз Махлиё” фермер хўжалигининг 2013 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказган аудиторлик текширувимиздан хулоса ва ҳисоботни келтирамиз (илова қилинади).

Ушбу текширишда ушбулар аниқланди:

ИШ ҲАҚИ ҲИСОБ-КИТОБИ АУДИТИ.

Хўжаликда ҳисобот бўйича 2014 йил мобайнида жами 58 924 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган.

Иш ҳақи фонди бўйича тегишли ажратмалар ва ушланмалар амалга оширилган.

Иш ҳақи ҳисоби бир неча сўётларда олиб борилади. Ягона ижтимоий тўлов ва бошқа ушланмаларни тўғри ҳисобланиши учун ягона 6710 ҳисоб рақамида жамланган ҳолда ишлари ҳақи ҳисобини юритиш

хамда ходимлар бўйича бошқа операцияларни 4700 счетда олиб бориш тавсия қилинади.

ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

АУДИТИ

Ўзбекистон Республикаси Алия Вазирлиги томонида 2003 йил 29 август № 1268-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафар харажатлари тўғрисида»ги йуриқнома талабларига асосан амалга оширилган.

Сафар харажатлари тегишли буйрук асосида аванс ҳисоботлари билан расмийлаштирилган.

Ҳисоботда 2014 йилда жами сафар харажатлари 1 236 минг сўми, бунда меърдан ортиқ сафар харажатлари 290,4 минг сўми ташкил қилган. Меърдан ортиқча харажатлар учун жисмоний шахслардан даромад солиғи ушланган.

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР

АУДИТИ.

Асосий воситалар ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Алия Вазирлигида 20.01.2004 йилда № 1299-сон билан руйхатга олинган «Асосий воситалар» БҲМС № 5 андоза талаблари асосида юритилиши талаб қилинади.

Балансдаги асосий воситалар бўйича 8530 «Қайта баҳолаш бўйича захира фонди» счетида ҳар бир объект бўйича аниқ маълумот мавжуд эмас.

Жамиятда инвестициялар ҳолати «Молиявий инвестициялар ҳисоби» 12-БҲМА талабларига асосан ўтказилди.

Аудит текшируви давомида хўжаликнинг бошқа фермер хўжаликларга киритган улушлари бўйича даромадлари юзасидан маълумотлар тақдим қилинмади. Улар томонидан 2013 йил якуни бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, баланс

топширилмаган. Қимматли қозғалар бўлими мутахассиси талабига кўра керакли материаллар тақдим қилинмаган. Шу сабабли бошқа фермер хўжаликлардан олиниши кўзда тутилган даромадларни аниқлаш имкони бўлмади.

Хўжалик раҳбариятига бошқа фермер хўжаликларни аудит текширувидан ўтказишни ва 2013 йил якунлари бўйича даромадни аниқлаштириш тавсия қилинади.

ТОВАР - МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИ

Товар-моддий захиралари ҳаракати «Товар-моддий захиралар» БҲМА № 3 талаблари асосида ўтказилди.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоб сиёсати йўқлиги сабабли ТМЗларни баҳолаш учун қўлланилган усул аниқ эмас.

Товар-моддий захиралар ҳисоботи бухгалтерия ҳисобининг 1011, 1015, 1020, 1030, 1040, 1060, 1080 ҳисобварақларида юритилади. Баланс қолдиқлари бирламчи ҳужжатлар қолдиқлари билан мос келади. Моддий-жавобгар шахс Ғ. Собиров билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган.

ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗЛАРИ ТАҲЛИЛИ.

Хўжаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги № - 1154 сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни боришида хўжалик ва ташкилотлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан кўрилди.

Хўжаликда 2014 йил 1 январ ҳолатига қарзлар 399 042 минг сўмни, шундан, кредиторлик қарзи 340 808 минг сўмни ташкил қилади. Бунда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмас.

Хўжалик ҳуқуқшуносига келгусида қарздорликлар муддатини ўтказиб юбормаслик чора-тадбирларини ўз вақтида кўриш тавсия қилинади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИЛИШИ.

Хўжаликда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, бухгалтерия миллий андозлари ва амалдаги йўриқномаларга асосланиб қурилди.

Жамият бухгалтерия ҳисоботлари компьютер тизимида «1С-Бухгалтерия» дастурида амалга оширилади.

Хўжаликда бухгалтерия ҳисоби, Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари амал қилган ҳолда юритилган, мемориал ордер усули билан ҳисоботлар, ҳисобварақлар, истеймолчилар билан ҳисоб-китоблар, реализация тулик компьютерлаштирилган.

Касса китоб ва бошқа аналитик ҳисоблар очиб юритилган. Бош китоб, иш хақи китоби компьютерда юритилган.

Бухгалтерияга бош китобни ва ишлари хақи китобини тикилган ҳолда юртиш тавсия қилинади.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ

Хўжалик ҳисоботида 2013 йил молиявий хўжалик фаолияти бўйича 5518 минг сўм миқдорида соф фойда ташкил этган.

Аудит даврида хўжаликнинг молиявий натижаси 7 202,4 минг сўм миқдорида соф фойда билан яқунланди. Аудит текшируви натижасида хўжалик соф фойдаси 1 684,4 минг сўмга ортди.

БАЛАНСНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хўжаликнинг молиявий-иқтисодий аҳолини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси хўжаликларнинг иқтисодий нобарқарорлиги ишлари бўйича қарори билан 16.03.2005 йилда № ГС-05/0271/1 рақам билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.04.2005 йилда № 1469-рақам билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ динамиклик кўрсаткичларини аниқлаймиз:

I. Тўловга қобилиятлилик коэффициенти хўжаликнинг қисқа муддатли мажбуриятлар юзасидан тўловга имкониятини кўрсатади. Бунда фақатгина ўз вақтида қопланадиган дебитор қарздорликни ва тайёр маҳсулотни тўсиқсиз сотиш билан, балки баланснинг бошқа жорий (оборот) активлари

билан ҳам баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши хўжаликнинг тўловга қобилияти пасайганлигини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (оборот) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар} - \text{Узоқ муддатли мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - D_0}$$

бунда:

A_2 - жорий (оборот) активлар (ишлаб чиқариш запаслари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарздорлик ва бошқалар)

P_2 - мажбуриятлар

D_0 - узоқ муддатли мажбуриятлар.

$$K_{пл} = \frac{89\,323}{340\,807 - 180\,843} = \frac{89\,323}{159\,964} = 0,56$$

Агар тўловга қобилиятлилик коэффициенти давр охирига 1.25 микдордан кам бўлса, тўловга қобилиятсиз деб баҳоланади. Демак хўжалик тўловга қобилиятли.

2. Ўз маблағларининг қисқа муддатли қарзларга нисбати (жорий молиявий мустақиллик) коэффициенти қисқа муддатли қарзларни ўз маблағлари манбаси ҳисобига қайтарилишини таъминланганлигини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{сс} = \frac{P_1}{P_2 - D_0}$$

бунда: P_1 - уз маблағлари манбалари (устав капитали, резерв капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошқалар)

P_2 - мажбуриятлар

D_0 - узоқ муддатли мажбуриятлар.

$$K_{cc} = \frac{51\,283}{340\,807 - 180\,843} = \frac{51\,283}{159\,964} = 0,32$$

Агар жорий молиявий мустақиллик коэффициенти давр охирига 1 миқдордан кўп бўлса, у холда хўжаликда молиявий таваккалчилик пайдо бўлганлигини кўрсатади. Демак, хўжаликда молиявий таваккалчилик мавжуд.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВ ДАВРИДА БЕРИЛГАН ТАВСИЯЛАР.

1. Хўжаликда БҲМС № 1-сон «Ҳисоб сиёсати» қарорларини қабул қилиш ва уни ишлаб чиқиш;

2. Ягона ижтимоий тўлов ва бошқа ушланмаларни тўғри ҳисобланиши учун ягона 6710 ҳисоб рақамида жамланган ҳолда ишлари ҳақи ҳисобини юритиш ҳамда ходимлар бўйича бошқа операцияларни 4700 ҳисобда олиб бориш;

3. Хўжалик раҳбариятига бошқа фермер хўжаликларни аудит текширувидан ўтказишни ва 2013 йил якунлари бўйича даромадни аниқлаштириш;

4. Хўжалик ҳуқуқшуносига келгусида қарздорликлар муддатини ўтказиб юбормаслик чора-тадбирларини ўз вақтида кўриш;

5. Бухгалтерияга бош китобни ва иш ҳақи китобини тикилган ҳолда юртиш;

6. Аудит текширувида 2013 йил мобайнида ишчи-ходимлардан даромад солиғини тўғри ушланиши текширилганда камчиликлар аниқланди. Бухгалтерияга ҳар бир ходим бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш тавсия қилинади.

2.4 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

Фермер хўжаликларидаги ҳисоб ахборотларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига, объектив, ҳаммага тушунарли бўлишида ҳисобнинг соддалаштирилган, информацион технологияларга асосланган турига ўтишнинг аҳамияти катта.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ” тартибга солади. Бу меъёрий ҳужжат фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилайди, шунингдек қимнинг қарамоғида бўлиши, мулк шакллари ҳамда фаолият турларидан қатъий назар барча фермер хўжаликлари ва ташкилотларга ҳам тегишлидир. Шу билан бирга фермер хўжаликлари бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб хўжалик юритишнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари, тармоқ хусусиятлари ва фаолият харакредитерлари, ходимлар малакаси ва бошқа вазифаларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳамда назоратни ташкил этиш усулларини ўзлари мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Бухгалтерия ҳисобини ислох қилиш режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтганда иқтисодий ислохатларининг зарурий элементи ҳисобланади. Хар қандай бошқарув тизими, у маъмурий ёки бозор бошқарув тизими бўлишидан қатъий назар, иқтисодий қарорлар қабул қилишда тегишли ахборотлар керак булади. Бухгалтерия ҳисоби бундай иқтисодий ахборотларни туплаш ва умумлаштириш воситасидир. Бухгалтерия ҳисоби турли тизимларда турли вазифаларни бажаради ва турли мақсадларни назардан тутади, шунинг учун бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтишда бухгалтерия ҳисоби тизими ҳам шунга мувофиқ ўзгартирилди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ, ишонарли, ўз вақтида тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа ахборотлари билан таъминлаш ҳисобланади. Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун бухгалтерия ҳисоби куйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

- ◆ бухгалтерия ҳисоби счётларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишонарли маълумотларни шакллантириш;

- ◆ самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- ◆ молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича юритилади. Тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қўллаш ҳисоб юритишнинг максимал самарасини таъминласин. Бунда самара деб молиявий ва бошқарув ахборотларни ўз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончлилиги, равонлиги ва фойдалилигини таъминлаш тушунилади.

Назарий жиҳатдан фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини ўрнатишга уч хил ёндошиш мавжуд:

Марказлаштирилган - бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ягона марказдан бошқарилади;

Марказлаштирилмаган - ҳар бир хўжалик субъекти учун бухгалтерия ҳисоби қоидаларини индивидуаллаштириш. Бу хил ёндошиш ҳисоб ишларини фаолият харакредитерига айнан мос келишини таъминлагани билан бу бозор иқтисодиёти шароитида тўғри келмайди;

Аралаш - бу биринчи ва иккинчи ёндошишни оқилона бирлаштиришдир.

Жаҳон амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, аралаш усулда марказлаштирилган тартибда куйидагилар белгиланади:

- Молиявий ахборотларнинг ишончлилиги, таққосланувчанлиги ва фойдалилигини таъминлайдиган ҳисоб юритишнинг асосий қоида ҳамда тамойилларини белгилаш.

- Ҳисоб юрителининг умумий қоидалари ва тамойиллари ҳар бир фермер хўжалиklarининг фаолият кўрсатиш шароитлари, ходимлар квалификацияси, мавжуд бошқарув техник базасидан келиб чиққан қолда конкретлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда фермер хўжалиklари ўзининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

№1БХМС "Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати"га асосан фермер хўжалиklари ҳар бир ҳисобот йили учун ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак. Бухгалтерия сиёсатига хўжалик фаолияти фактларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, ҳужжат айланиш ва инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби счёtlарини қўллаш усуллари, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар қиради. Шундай қилиб ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юрителиш усуллари йиғиндисидан иборат. Бу ҳисоб сиёсатида моддий қийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва баҳолаш қоидалари ҳамда тартиби, буюмларни асосий воситалар, инвентар ва хўжалик жиҳозларига киритиш мезони, уларнинг эскириши, тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва сотиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини ишчи счёtlар режасини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Навбатдаги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати фермер хўжалиги раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг юрителик қучга эга ҳужжат статусига эга бўлади. Фермер хўжалиklarининг ҳисоб сиёсати фермер хўжалиklари раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Ҳисоб сиёсатининг шакллантиришда субъект томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юрителиш усуллари буйруқ чиққан йилдан кейинги йилнинг 1 январидан қўлланилади. Бунда хўжалик субъекти бўлинмаларининг жойлашган жойларидан қатъи назар, барча структуравий бўлинмалари томонидан қўлланилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжалиklари қабул қилган ҳисоб сиёсатини фермер хўжалиklarининг молиявий ҳисоботини матбуотда биринчи нашр этилишигача, лекин давлат рўйхатидан ўтган санадан 90

кундан кечикмасдан расмийлаштириши керак. Календар йили ичида ҳисоб сиёсати ўзгартирилмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқиш. Ҳисоб сиёсати олдига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- ◆ Тўлиқлилик (барча фактларни ҳисобда тўлиқ акс эттиришни таъминлаш);
- ◆ Эҳтиёткорлик - нобудгарчиликларни акс эттиришга тайёр бўлиш;
- ◆ Мазмуннинг шаклдан устунлиги (операцияларни иқтисодий мазмунига қараб акс эттирилиши);
- ◆ Қарама-қаршиликсиз(синтетик ва аналитик ҳисоблар маълумотларининг тенглиги);
- ◆ Оқилоналилик (ҳисобни тежамкорлик билан юритиш).

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби”Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом” (Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1,1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 26.03.2008 йилда 1781-сон билан рўйхатга олинган) асосида ташкил этилади. Фермер хўжаликлари, ўз хўжалик фаолиятларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда шакллантиради.

Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликлари томонидан қонунчилик билан белгиланган ягона услубий асослар ва тартибга мувофиқ юритилади. Бунда фермер хўжалиги қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини, қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда ўз фаолиятининг хусусиятларига мослаштириши мумкин:

- а) ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили);
- б) аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;
- в) бошланғич ҳужжатлар асосида барча хўжалик операцияларининг ҳисоб регистрларида ёппасига акс эттириш;
- г) бошланғич ҳужжатлар маълумотларини фермер хўжалигини бошқариш, назорат қилиш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш,

шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлаш.

Фермер хўжаликларида хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади. Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга мувофиқ тартибга солиниши лозим.

Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузиш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжалигига келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар албатта текширилиши шарт. Бунда текшириш шакл бўйича (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирилиши), мазмун бўйича (ҳужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантикий боғлиқлиги) амалга оширилади. Ҳисобни соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун фермер хўжалиги хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини тузади, бу эса маблағлар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий счётлар бўйича юритиш имкониятини яратади ва шу билан мулкнинг мавжудлиги ва сақланиши, мажбуриятларнинг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлайди.

Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябр даги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га ва Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом"нинг 1-иловасида келтирилган Фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий Счётлар режасига мувофиқ тузади. Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасида фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ақс этирилиши лозим.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг шакли қуйидаги шакллар бўйича юритилиши мумкин:

- а) бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли;
- б) бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли.

Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби шаклини мустақил танлайди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтганда иқтисодий ислохатларининг зарурий элементи ҳисобланади. Хар қандай бошқарув тизими, у маъмурий ёки бозор бошқарув тизими бўлишидан қатъий назар, иқтисодий қарорлар қабул қилишда тегишли ахборотлар керак бўлади. Бухгалтерия ҳисоби бундай иқтисодий ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш воситасидир. Бухгалтерия ҳисоби турли тизимларда турли вазифаларни бажаради ва турли мақсадларни

назардан тутади, шунинг учун бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтишда бухгалтерия ҳисоби тизими ҳам шунга мувофиқ ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №54 сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартибини белгилаб беради. Фермер хўжаликларида ҳам молиявий натижалар ҳисоби «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартси №3 «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га асосан ҳисобга олиб борилади ва фермер хўжаликлари харажатлари қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига кирадиган харажатлар.
2. Давр харажатлари.
3. Молиявий фаолият харажатлари.
4. Фавқулодда зарарлар.

Шунингдек, фермер хўжаликлари даромадлари ҳам тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушум.
2. Асосий фаолиятининг бошқа даромадлари.
3. Молиявий фаолият даромадлари.
4. Фавқулодда фойда.

Фермер хўжаликларининг харажатлари ва даромадларининг тўрт гуруҳга бўлинишидан, молиявий натижаларнинг беш кўрсаткичи аниқланади.

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишнинг ялпи молиявий натижаси.
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан молиявий натижа.
3. Умумхўжалик фаолиятдан молиявий натижа.
4. Солик тўлагунча бўлган фойда.
5. Соф фойда.

Молиявий натижа фермер хўжаликларида йил охирида аниқланади, чунки, хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақиқий таннархи йил охирида аниқланиб, сўнгра сотилган маҳсулотларнинг молиявий натижаси аниқланади.

“XXI аср - техника асри” деган таъриф бежизга берилмаган. Ҳозирги кунда қайси соҳага қарамайлик, иш ва хизматлар тўлиқ компьютер технологияларига асосланган. Бундай жадал ривожланиш жараёнидан бухгалтерия ҳисоби ҳам четда қолгани йўқ. Дастлаб, “Microsoft Excel” электрон жадвал дастурида бухгалтериянинг кўплаб ҳисоб-китоблари амалга оширила бошланди. Кейинчалик ушбу дастурга асосланган ҳолда махсус бухгалтерия дастурлари – “1 С Бухгалтерия”, “Бухгалтерга Электрон Мадад (БЭМ)”, бюджет ташкилотлари учун интернет тармоғида ишловчи “UZASBO” дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Лекин, бундай дастурларнинг ишлаб чиқилгани энди барча хўжалик юритувчи субъектлар учётни замонавий технологиялар ёрдамида юритяпти дегани эмас. Ҳали кўп тармоқларда, хусусан, фермер хўжаликларида бу борада оксоқлик кузатилмоқда. Шунинг учун барча фермер хўжаликлари раҳбар ва бухгалтерларига ушбу замонавий дастурларни тарғиб қилиш, ўргатиш керак. Чунки, ушбу дастурлар ёрдамида учёт юритиш қатор қулайликлар яратади. Масалан, қоғозларнинг кўпаймаслигига, ортиқча ҳисоб-китобларга вақт сарфламасликка, ортиқча иш ўринларини оптималлаштиришга ва ҳисобот маълумотларининг аниқ бўлишига сабабчи бўлади.

Бундан ташқари солиқ ва аудит текширишларида ҳам компьютер дастурларида юритилган бухгалтерия учети бирмунча ишонарли ҳисобланади. Қолаверса, фермер хўжаликларининг маблағлари манбаси пахта ва ғалла кредитлари, лизинглар, траншларга асосланган бўлиб, ҳар бир манбадан маблағ олишда алоҳида-алоҳида ҳисоб рақамларидан фойдаланилади. Бу эса мажбурият тури ва олиш босқичларини, ҳисоб-китоб рақамларининг кўпайишига олиб келади. Натижада ҳисобда чалкашликлар юзага келади. Ушбу ҳолатда “1 С Бухгалтерия” дастуридан фойдаланиш энг самарали йўлдир.

Чунки, бу дастурда ҳар бир мажбурият алоҳида ҳисобга олиниб, унга кўшимча олинганда ва қайтарилганда дастур автоматик тарзда мажбуриятдаги ўзгаришни бириктириб, ҳисоб-китоб қилади:

б-расм

Оборотно-сальдовая ведомость по счету: 60.10						
Контрагенты: Основание						
за 2013 г.						
Субконто	Сальдо на начало периода		Обороты за период		Сальдо на конец периода	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
АТП-12		12,116.96		937,776.92		949,893.88
Основной договор		12,116.96		937,776.92		949,893.88
Вилоятдавуругназоратмарказ				120,000.00		120,000.00
Основной договор				120,000.00		120,000.00
Кишлокжужаликимэ		2,567,359.40	44,470,161.00	41,943,023.00		40,221.40
Основной договор		2,567,359.40	44,470,161.00	41,943,023.00		40,221.40
Пакта Транс Сервис Биофаб		1,004,618.00				1,004,618.00
Основной договор		1,004,618.00				1,004,618.00
Сожида Жураева ф/х		12,160,000.00				12,160,000.00
Основной договор		12,160,000.00				12,160,000.00
Уз Класс Сервис МЧК				1,146,068.56		1,146,068.56
Основной договор				1,146,068.56		1,146,068.56
Усимликларни Химоя қилиш			550,000.00	646,150.00		96,150.00
Основной договор			550,000.00	646,150.00		96,150.00
Фаргона нефтбазаси			17,097,276.90	17,097,276.90		
Дог № 47 11.01.2013й				6,175,410.90		6,175,410.90
Основной договор			17,097,276.90	10,921,866.00		-6,175,410.90
Итого развернутое		15,744,094.36			6,175,410.90	21,692,362.74
Итого		15,744,094.36	62,117,437.90	61,890,295.38		15,516,951.84

б- расм. “1 С Бухгалтерия” дастурида 60.10 “мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар” сечетининг 2013 йил учун айланма қайдномаси

Бунда ҳар бир мол етказиб берувчи билан бўлган олди-берди яққол кўринади ва қайси шартнома бўйича қанча ҳисоблашиш бўлганини ёрқин кўрсатиб беради. Агар мол етказиб берувчи номига компьютер сичқончасининг чап тугмасини икки марта боссак, ушбу мол етказувчи билан бўлган муомаларга берилган бухгалтерия ёзувларини тўлиқ (привотка, сана, шартнома, асос бўлувчи ҳужжат тури ва рақами ҳамда сумма) намоён қилади.

Худди шундай, ҳар бир ҳисоб-рақам бўйича ҳам ҳисоб юритади.:

Субконто	Сальдо на начало периода		Обороты за период		Сальдо на конец периода	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
23210			103,176,976.00	103,176,976.00		
23210 777			61,685,597.82	61,685,597.82		
23210333			8,675,000.00	8,675,000.00		
23220			2,800,000.00	2,800,000.00		
23226 25 фоизли даромад			4,342,800.00	4,342,800.00		
23410			17,072,700.00	17,072,700.00		
Галла			76,522,000.00	76,522,000.00		
Пахта р/с			65,354,000.00	65,354,000.00		
Р/с 23228			70,823,200.00	70,823,200.00		
Итого развернутое						
Итого			410,452,273.82	410,452,273.82		

**7 - расм. “1 С Бухгалтерия” дастурида 51.10 “ҳисоб-китоб рақами”
счетовод 2013 йил учун айланма қайдномаси**

Бундай қулайликлари мавжуд бухгалтерия дастуридан фойдаланиш корхона фаолиятига, раҳбарнинг оператив қарор қабул қилишига, бухгалтернинг иши енгиллашишига, солиқ ва аудит текширувларининг тезлашиши ва аниқ бўлишига, молиявий ҳисоботдан ташқи фойдаланувчиларга берилаётган ахборотнинг ишончли бўлишига замин булади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, барча фермер хўжаликларига элуктрон бухгалтерия дастурларидан фойдаланишни тавсия қиламиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мен фермер хўжаликлариди молиявий натижалар ҳисоби ва аудити юзасидан мавзу танладим ва битуров малакавий ишимни ушбу мавзу асосида тўлиқ ёритдим. Ушбу малакавий ишимни Олтиариқ туманида жойлашган “Комилжон Файз Махлиё”, “Ҳайрулла Баҳром Бойматов”, “Тинчлик УЗБ”, «Фарғона узум мевалари» , “Исмоил” фермер хўжаликлари маълумотлари асосида ёздим ва таҳлил қилдим. Ушбу мавзу юзасидан кўйидагича хулосаларга келдим. Фермер хўжаликлариди молиявий натижалар ҳисоби ва аудити ўта долзарб масала ҳисобланиб, фермер хўжаликларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган муҳим омил ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар, хоҳ у фермер хўжалигида бўлсин, хоҳ ишлаб чиқариш корхонасида бўлсин, умуман, барча тур ва ихтисосликдаги хўжалик юритувчи субъектларда хўжаликнинг юзи ҳисобланади. Чунки ундан ички ва ташқи фойдаланувчиларга хўжалик молия-хўжалик фаолияти ҳақида барча маълумотларни берар экан.

Мен ушбу малакавий ишимда ҳар бир фермер хўжалиги йилда бир марта тўлдириб, тегишли органга (ўзи қарайдиган солиқ идорасига) топширадиган молиявий ҳисоботлар (баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот) ва уларни шакллантиришга оид ҳисоб-китобларни ёритишга ҳаракат қилдим. “Комилжон Файз Махлиё”, “Ҳайрулла Баҳром Бойматов”, “Тинчлик УЗБ”, «Фарғона узум мевалари» фермер хўжаликлари 2013 йил ҳолатига таҳлил қилиш жараёнида ушбу йил учун тузилган молиявий ҳисоботларлардан кенг ва самарали фойдаланилди (хужжатлар ва ҳисоботлар илова қилинади).

Фермер хўжаликларининг 2013 йилги баланс ва молиявий натижалари асосида иккинчи бобнинг аввалида турли рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаб, таърифлаб чиқдик. Энди ушбу кўрсаткичларга доир хулоса билдирсак.

Қуйидаги жадвалда юқоридаги фермер хўжаликларининг рентабеллик кўрсаткичларини кўрсатамиз:

10 - жадвал. Олтиариқ тумани фермер хўжалиklarининг рентабеллик кўрсаткичлари

Рентабеллик кўрсаткичлари	“Хайрулла Баҳром Бойматов” ФХ	“Комилжон Файз Маҳлиё” ФХ	“Тинчлик УЗБ” БФХ	“Фарғона узум мевалари” БФХ
Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик %	61.68	4.28	63.92	64.48
Асосий воситалар рентабеллиги %	69.09	2.75	2.12	0
Сотиш бўйича рентабеллик %	44.65	26.5	63.71	68.8
Оборот активлар рентабеллиги %	66.07	6.18	2.53	4.54
Жами мулк рентабеллиги %	54.15	1.82	3.7	0
Ўз маблағлари рентабеллиги %	54.82	17.73	1.57	9.54
Қарз маблағлари рентабеллиги %	62.22	1.62	37.05	8.67
Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги %	33.83	2.11	1.49	4.69

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик кўрсаткичлари энг юқори фермер хўжалиги бу “Хайрулла Баҳром Бойматов” дир. Бунинг бир қатор сабабларини иш давомида изохлаб ўтдик.

Буларнинг ичида “Комилжон Файз Маҳлиё” фермер хўжалиги кўрсаткичлари пастлиги билан ажралиб турибди. Ушбунинг ҳам ўзига яраша сабаблари мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишнинг турли йўлларини хўжаликка тавсия этамиз. Масалан, пахта-ғалладан ташқари кўшимча экинларни экишни, майдонлар атрофига мевали дарахтларни экишни, чорвачилик ва паррандачилик билан шўғулланишни ташкиллаш фермер хўжалигининг кўшимча даромадини ва иш ўринларини кўпайишига олиб келади.

Боғдорчиликка ихтисослашган қолган икки фермер хўжаликнинг кўрсаткичлари ёмон эмас. Лекин, “Фарғона узум мевалари” боғдорчилик фермер хўжалигида асосий воситаларнинг йўқлиги, бор бўлса ҳам ҳисобга олинмаганлиги туфайли айрим рентабеллик кўрсаткичлари (асосий воситалар рентабеллиги, жами мулк рентабеллиги) ни ҳисоблаш имконияти бўлмади. Ушбу хўжалик бухгалтериясига экинлар, сув иншоотлари, деворларни балансга киритишини маслаҳат берамиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозим деб биламанки, фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобини ривожлантириш учун ҳозирги кунда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда бир қанча фермер хўжаликларида учет компьютерларда тегишли программалар асосида амалга оширилмоқда.

Бизнинг бу соҳада, фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобини ривожлантириш бўйича таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

- Барча фермер хўжаликларида дастлабки ҳужжатларни юритишни ташкиллаш;
- Хўжалик операцияларини бош китобга қайд этиб боришни йўлга қўйиш;
- Бухгалтерия ҳисобини илғор технологиялар (1 С бухгалтерия) асосида ташкил этиш;
- Ишчи ва хашарчиларга меҳнат ҳақини ҳисоблашни иқтисодий манфаатдорликни инобатга олган ҳолда ташкил этиш;
- дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- ишнинг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда ҳеч бўлмаганда йилда бир марта ходимлар таркиби инвентаризациясини ўтказиш лозим. Бунда кадрлар бўлими маълумотлари, бухгалтерия, касса маълумотлари ва объектлар бўйича таркибни ўрганиб, ходимларнинг мавжудлигини, иш ҳақининг ҳисобланиш тартибини ўрганиш мақсадга мувофиқ;
- солиқ қонунчилиги ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №54 сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот

(иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» талабларидан келиб чиқиб, молиявий натижаларни шакллантиришга қатъий риоя қилиш:

- фермер хўжаликларига берилган фойда солиғидан имтиёзлар мавжудлигини ҳисобга олиб, ушбу имтиёзлардан кенг ва самарали фойдаланиш,
- ҳисоб-китоблар осон бўлиши учун ҳисоб рақамларини оптималлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги Низом талабларига жавоб берувчи ва иловаларга мос келувчи ҳужжатларни ишлатиш;
- ҳисоб-варақ фактуралар, тшлов топшириқномалари ва бошқа ҳужжатларни ҳисобга олувчи регистрация дафтарларини юритиш молиявий натижаларни шакллантиришда қатор қулайликларни яратади, деб ҳисоблайман.

Энди молиявий натижалар ҳисобин ва уни такомиллаштириш масалалари ҳақида хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир хўжалик юртурувчи субъект нафақат молиявий натижалар ҳисобини балки бухгалтерия ҳисобини шакллантиришда “БЕМ” ёки “1С” дастури ёрдамида ишлаши лозим. Чунки бу дастурлар ҳар қандай ишларини осон ва тез амалга ошириб, ҳисоб-китобларни тўғри қилиб беради. Бу борада ўқув услубий қўлланмалар, китоблар чоп этилиши зарур. Ундан ташқари ҳар бир бухгалтерия соҳасидаги ишчиларга ва кадрларга ушбу дастурлар ҳақида маълумотлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина мамлакатимиз бухгалтерия соҳаси халқаро стандартларга мослашиб боради.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишда интернет орқали юборишни ҳозирги кунда ҳар бир вилоят ва туманларда жорий қилиш керак. Лекин афсуски интернет тармоғидан фойдалана оладиганлар сони кўп эмас. Шунинг эътиборга олган ҳолатда ҳар туман солиқ инспекциялари жойларда

тарғибод ишларини олиб бориши, ҳисобчиларга булардан қандай фойдаланишлигини ўргатиши лозим.

Ҳозирги кунда компьютерга бўлган талаб юқорилигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мутахасис ўз йуналиши бўйича дастурларни мукамал билиши керак. Шундагина Ўзбекистонимиз ривожланган мамлакатлар қаторига кириб боради. Бухгалтерия соҳаси жуда мураккаб касб ҳисобланиб, корхонада бўлаётган ҳар бир операцияни этибордан четда қолдирмаслиги лозим. Чунки корхонани ривожланиши ушбу касб мутахассисларга боғлиқдир. Энг эътиборли жихати ҳар қандай ҳисоб-китобларни тўғри бажариш керак. Шундагина корхона ривожланиб боради, маҳсулотлари бозорга мослашади.

Ана шу юқорида зикр этилган вазифалар бажарилса ҳар қандай фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, бу эса ўз навбатида хўжаликларнинг иқтисодий соғломлашиши ва фаолиятини кенгайтишига туртки бўлади деб ҳисоблайман.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: Адолат, 1996
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 26.08.2004 й. 662-II-сон Қонуни билан тасдиқланган

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

6. И.А.Каримов Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.
7. “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил 4-июнь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2096-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

9. Ўзбекистон Республикасида Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Т.: 1999 йил
10. Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон. Бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциациясининг нашриёт маркази. Т.,2001 .
11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги Низом (ЎзР АВ томонидан 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган)

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

13. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: "Ўзбекистон", 1994
14. Каримов И.А. "Дехқончилик таракқиёти фаровонлик манбаи", Т.: "Ўзбекистон" 1994.
15. Каримов И.А. "Қишлоқ хўжалиқ таракқиёти - тўкин ҳаёт манбаи", Т.: "Ўзбекистон" 1998.
16. Каримов И.А. "Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш. – Ўзбекистон мустақамлашнинг асоси. - Т.: Ўзбекистон, 2000.- 285 б.
17. Каримов И.А. "Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йулимиз" "Халқ сузи" 15 - феврал 2002 йил.
18. Каримов И.А. Мамлакатимиз таракқиётининг қонуний асосларини мустақамлаш фаолиятимиз меъзони бўлиши дарқор. // "Халқ сузи" газетаси, 2005 йил 25-феврал.
19. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир». Президент И.А.Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 й.

20. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Халқ сўзи. 30.01.2010 й.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. «Ўзбекистон» 2011

22. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.; Ўзбекистон, 2011-26 б.

V. Дарсликлар

23. О.Бобожонов, К.Жуманиёзов Молиявий ҳисоб Т. «Ўқитувчи» 2002

24. Вахобов.А, Ибрагимова.А «Молиявий таҳлил» Т.: «Шарқ» НМАК 2002 й

25. Дўсмуродов.Р «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», Т.: 2007 йил

26. Дўсмуратов Р. - "Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини ташкил этиш", Т.: 2007.

27. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 с.

28. Жўраев Б.М, Шарипова М. Агрофирмаларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этишнинг айрим масалалари. Т.: 2007 йил

29. Жўраев Б.М. Ҳисоб сиёсатига оид миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашуви// Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ривожлантириш масалалари. Т.: 2008 йил

30. Иткин Ё, Сотволдиев.А.С «Замонавий бухгалтерия ҳисоби», Т.: 2002 йил

31. Каримов А. «Бухгалтерия ҳисоби».Т.: «Шарқ» НМАК, 2004 йил. 591 бет.

32. Муллажонов Ф. Темирбулатов Р. Корхоналарда тезкор бошқарув ҳисобининг роли ва аҳамияти. Иқтидорли талаба Фарғона 2013 йил.

33. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ўқув қўлланма.-Т.: Тошкент Ислон Университети. 2002.-280 б.

34. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.

35. Подольский В.И. Аудит. – М.: ЮНИТИ, 2001.

36. Пўлатов.А ва бошқалар «Бошқарув ҳисоби», Т.: ТИМІ, 2007 йил
- Ўрозов К.Б “Бухгалтерия ҳисоби ва Аудит” Т.: Ўқитувчи, 2004 йил
37. Раджапов Р., “Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби”. Нукус “Билим” 1995.
38. Раджапов Р., Р.Дўстмуротов - “Дехкон (фермер) хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш”, Т.: «Агроинформ» 1993.
39. Ризакулов А. “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби”, Т.: ”қатортол - камолот” 1998.
40. Саидибрагимов Т., Р.Дўстмуротов - “қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобидан машқлар тўплами”, Т.: 1990.
41. Холбеков Р.О «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», Т.:2010
42. Хасанов.Б «Бошқарув ҳисоби», Т.: ТИМІ, 2005 йил
43. Шоалимов А.Х. Т24.Бочарев В.В. Финансовый анализ. Учебник. –Спб.: Питер, 2010
44. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа.Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2010
45. Шоалимов А.Х. Т24.Бочарев В.В. Финансовый анализ. Учебник. –Спб.: Питер, 2010

VI. Интернет сайтлари

46. www.buhgalteriya.com.ua
47. www.referat.uz
48. www.pravo.eastink.uz- (Сборник экономических законодательств).
49. www.iaa.org.uk- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
50. www.gov.uz- (Новости правительства Узбекистана).
51. www.fr.ru –(Финансовая академия при правительстве Российской Федерации).
52. <http://www.lex.uz>
53. <http://www.edu.uz>